

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

“ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ”

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

**5340900** БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: КОРХОНАЛАРДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТАЪМИРЛАШ ВА  
РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.**

**(Фарғона шаҳар Истиклол /50 “А.Ақбарали” МЧЖ мисолида)**

Талаба:

Алижонов Қодиржон

52-10 гуруҳ

Битирув малакавий ишига

рахбар :

проф. Исманов И.Н

Фарғона 2014 й

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА ТАЪМИРЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.</b>	
1.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш харажатларини зарурияти.....	6
1.2 Корхоналарда капитал қўйилмаларни ҳисобга олишнинг ахамияти ва вазифалари.....	15
1.3 Модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисобга олишнинг меъёрий асослари.....	27
<b>2-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА “А.АКБАРАЛИ” МЧЖ ДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТАЪМИРЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.</b>	
2.1 “А.Акбарали” МЧЖ нинг хўжалик фаолияти.....	32
2.2 Корхонада таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳужжатлаштириш.....	37
<b>3-БОБ. “А.АКБАРАЛИ” МЧЖ ДА ТАЪМИРЛАШ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.</b>	
3.1 “А.Акбарали” МЧЖ да модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисобга олишни такомиллаштириш масалалари.....	42
3.2 Корхоналарда модернизациялаш, тамирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисобга олишни хориж тажрибаси.....	56
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	62
<b>Фойдаланилган адабиётлар руйхати</b> .....	66
<b>ИЛОВАЛАР</b>	

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги-**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар чуқурлашуви жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов саноат барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда дея таъкидлайдилар.<sup>1</sup>

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида хусусий корхоналар кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, корхоналарда модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисобини шакллантиришнинг ташкилий, услубий, ва техник жихатларининг такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг доирадаги ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунга келиб эса ислох қилиниши керак бўлган яна бир долзарб масалалардан бири бу хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш масаласидир.

Республикаимиз иқтисодиётидаги туб ўзгаришларни албатта ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси дейиш мумкин. Бу ўзгаришларни нафақат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳада балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўриш мумкин. Ана шу қаторда биз, иқтисодий ислохотларга ва улар таъсиридаги ўзгаришларга алоҳида аҳамият қаратишни лозим топдик.

Модернизация - бу ишлаб чиқаришни техник жихатдан янгилаш ва диверсификациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий этишдир ва улар мамлакатимизни жаҳон бозорида янги марраларга чиқариш шартидир.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси-**Модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисоби билан боғлиқ масалалар

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.:Ўзбекистон, 2011-26 б.

кўпчилик иқтисодчи олимлар ва мутахасисларнинг диққат марказида бўлишган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоби ва таҳлил масалалари хорижлик олимлардан А.Д.Шеремет<sup>2</sup>, Н.Савелеев<sup>3</sup>, Н.А.Теплова<sup>4</sup>, Е.О.Калинченко<sup>5</sup>, Ю.Л.Юадеев<sup>6</sup>, мамлакатимизни иқтисодчи олимлари Д.К.Кудбиев<sup>7</sup>, О.Бобожонов<sup>8</sup>, К.Жуманиёзов, М. Умарова<sup>9</sup>, Эшбоев илмий ишларида ўрганилган.

Ушбу битирув малакавий ишининг олдига қўйилган мақсад бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг бухгалтерия соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар кўламини кенгроқ очиб бериш, корхоналарда модернизациялаш, тамирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисоби ва уни такомиллаштириш масалалари юзасидан аудит ўтказиш тартибини мукамаллаштириш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқод мақсади**–Корхоналарда модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисоби ва уни такомиллаштириш масалалари юзасидан илмий таклиф ва амалий тафсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Битирув малакавий иши қўйилган мақсадга эришишнинг қуйидаги вазифаларни бажаришдан иборат:

1. Хўжалик юритувчи субъектларда модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатлари ҳисобини иқтисодий моҳиятини асослаш ва уни корхоналардаги ўрни ва заруриятини аниқлаш;
2. Корхоналарда таъмирлаш, реконструкция қилиш харажатларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар бериш;
3. Модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларининг таннархи ҳамда ҳажмини тўғри юритилиши устидан назорат олиб бориш ва таҳлил қилишга кўмаклашиш;

---

<sup>2</sup> «Комплексный анализ хозяйственной деятельности.» М.:ИНФРА-М,2006.

<sup>3</sup> «Реконструкция и модернизация основных средств: что необходимо учесть при проведении данных работ»

<sup>4</sup> Статья: «Основные средства: ремонт,реконструкция или модернизация?» («Управленка»2007. N 6)

<sup>5</sup> [www.glavkniga.ru/elver/2011/15/234-remont\\_ili\\_modtrnizatsija](http://www.glavkniga.ru/elver/2011/15/234-remont_ili_modtrnizatsija)

<sup>6</sup> «Основные средства, Ремонт и модернизация. Особенности бух учета и налогообложения» 2007 г.

<sup>7</sup> «Проблемы анализа использования основных фондов в торговле» - Т., «Ўзбекистон»,1990 й.

<sup>8</sup> «Молиявий ҳисоб» дарслик Т.:”Молия”-2002

<sup>9</sup> «Бухгалтерия ҳисоби» Т.:”ЎАЖБНТ”Маркази-2004.

4. Корхоналарда таъмирлаш, реконструкция қилиш харажатлари ҳисобини халқаро ҳисоб тизимига мослаштириш ва ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш;

**Тадқиқот объекти-**“А.Ақбарали” масулияти чекланган жамиятининг молиявий-хўжалик фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари-** Гурухлаштириш, таққослаш, ва баҳолашни тўғри амалга ошириш ҳисобланади.

**Тадқиқот назарий ва услубий асослари-**бўлиб Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, бухгалтерия, хусусан молиявий ҳисобни ташкил қилиш ва аудит бўйича мамлакатимиз, ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар асарлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш бўйича меъёрий, услубий манбалар хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти-** Тадқиқод жараёнида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар корхоналарда модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисоби ва уни такомиллаштиришда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чора тadbирлар ишлаб чиқишида кенг фойдаланиши мумкин.

**Битирув малакавий иш тузилиши ва хажми-** Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

# **1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА ТАЪМИРЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.**

## **1.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш харажатларини зарурияти.**

Айни пайитга келиб жаҳонда ҳалигача инқироз ҳолати ҳукмронлик қилмоқда. Шунга қарамай Ўзбекистон шароитида инқироз ҳолати анча юмшоқ кечмоқда. Бундай ютуқларни асосий сабаби сифатида, юртимизда олиб борилаётган модернизация сиёсатини келтиришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси ҳам “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш ” деб номлангани юртимизда модернизацияга бўлган эътибор нақадар юксаклигинидан далолат бериб турибди.

“Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, уни техник ва технологик қайта жихозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузулма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди”<sup>10</sup>, Президентимизнинг бу фикрлари асосий воситаларни модернизациялаш давр талабларидан эканлигини билдиради.

Хужалик юритувчи субъектларда асосий воситалар, шу жумладан уларни модернизациялаш харажатларининг ўрни ва шундан келиб чикиб уларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишини такомиллаштириб бориш

---

<sup>10</sup> И.А.Каримов. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди»- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 43-бет.

масалалари бу борадаги алохида ахамиятни талаб этадиган жихатлардир. Чунки, ушбу харажатларни молиявий натижага бевосита таъсири мавжудки, рақобатга асосланган бозор иктисодиёти шароитида имконият даражасида камайтириш йулларини топиш, уни амалиётда куллаш корхоналарнинг иктисодий ривожланишини таъминлаш омилларидан бири ҳисобланади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида катта рўл ўйнайди. Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт катнашиб, бир неча ишлаб чиқариш циклида иштирок этади, ҳамда ўзининг қийматини аста секинлик билан яратилаётган тайёр маҳсулот қийматига ўтказиб боради, асосий воситаларни ишлаб чиқаришга бериш, улардан узоқ вақт фойдаланиш натижасида улар жисмоний ва маънавий эскириб боради. Уларни ишчи ҳолатда сақлаб туриш ва ишлаб чиқариш жараёнини тўхтаб қолмаслиги учун уларни жорий, ўрта ёки капитал таъмирлашни талаб қилади.

Асосий воситаларни таъмирлаш уларни ишчи ҳолатда сақлаб туриш мақсадида амалга оширилади. Таъмирлаш таъмирланган объектларнинг функционал ва сифат тавсифларини узгартирмайди, кувватини оширмайди, фойдали ишлатиш муддатини узгартирмайди ва бошқалар. Шунинг учун таъмирлаш буйича харажатлар амалга оширилган ҳисобот даврининг харажатларига киритилади.<sup>11</sup>

Ишлаб чиқариш асосий воситаларини таъмирлаш харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига, маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун мулжалланган асосий воситалар буйича эса — давр харажатлари таркибига киритилади.

Таъмирлашни асосий воситаларнинг техник хусусиятлари, улардан фойдаланиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда корхона томонидан мустақил ишлаб чиқиладиган режага асосан утказиш тавсия қилинади.

Таъмирлаш:

---

<sup>11</sup> “НОРМА ” иктисодий-ҳуқуқий нашриёт “Амалий бухгалтерия” 01.03.2010й.




усули билан амалга оширилиши мумкин.

*Пудрат усулида* корхона таъмирлаш-қурилиш ташкилоти ёки таъмирлаш корхонаси билан пудрат шартномасини тузади.

*Хужалик усулида* таъмирлаш корхонанинг уз куч ва маблағларига таянган ҳолда (таъмирлаш гуруҳи, таъмирлаш участкаси томонидан) бажарилади.

Таъмирлаш харажатлари икки хил йул билан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

2-чизма.



“Резерв фонди 8910-«Келгуси харажатлар ва туловлар резервлари» ҳисобварағида: резерв ҳисобланганда — 8910-ҳисобварақнинг кредити буйича, ҳисобдан чиқрилганда — 8910-ҳисобварақнинг дебити буйича акс эттирилади. Резервга ҳар ойлик ажратмалар суммасини корхона келгусида таъмирлаш ишлари қийматидан келиб чиқдан ҳолда мустақил равишда белгилайди. Бу сумма ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади

ва заруратга қараб янги молиявий йилда ажратмалар миқдори оширилиши ёки камайтирилиши мумкин.


Агар резерв фонди Молия вазирлигининг рухсати билан шакллантирилса, резервланадиган суммалар ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх)га киритилади.

Агар корхонада Молия вазирлигининг рухсати булмаса, унда резерв соф фойда ҳисобига шакллантирилади. Резерв суммаси — бу солиқ солинадиган фойдадан чегрилмайдиган солиқ туловчининг харажати.

2008 йил 1 январга қадар капитал таъмирлаш ишлари (Молия вазирлигининг рухсати булмаганда) ўтказиш учун резерв суммаси солиқ солинадиган базага тескари тартибда киритилар эди.”<sup>12</sup>

“Агар корхона махсус резерв фондини ташкил қилмаса, таъмирлаш харажатлари қуйидаги икки усул билан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

3-чизма.



Биринчи ҳисоб усулида таъмирлаш ишларини амалга ошириш харажатлари уларнинг пайдо булиши буйича акс этирилади ва улар пайдо булган ҳисобот давридаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

Хужалик усули билан таъмирлашда таъмирлаш харажатлари 2310-ҳисобварақда ҳисобга олинади, таъмирлаш ишлари яқунлангач, барча харажатлар асосий воситалар объектдан фойдаланиладиган ишлаб чиқариш харажатларига киритилади.

<sup>12</sup> “НОРМА” иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт “Амалий бухгалтерия” 01.03.2010й.

Пудрат усулида хақикий харажатлар таъмирлаш объектидан фойдаланиш жойига караб, харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.”<sup>13</sup>

Таъмирлаш ишлари бир маромда амалга оширилмаган ва айрим ҳисобот даврларида таъмирлаш буйича харажатлар кескин ўзгариши ҳолларида, харажатларни бир маромда таннархга ўтказиш учун 3190-«Бошқа келгуси давр харажатлари» ҳисобварағидан фойдаланилади. Асосий воситаларни таъмирлаш буйича Хақикий харажатлар дастлаб 3190-ҳисобварақ дебети буйича ресурслар, пул маблатлари, ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақлар билан корреспонденцияда ҳисобга олинади. Кейинчалик улар корхона томонидан ҳисоб сиёсатида белгиланган меъёр буйича махсулот таннархига ҳисобдан чиқарилади.

“Асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш уларни таъмирлаш (жорий, ўртача ва капитал тарзда) воситасида амалга оширилади.

*Жорий таъмирлаш* - асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир.

*Ўртача таъмирлаш*да таъмирланаётган агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини *капитал таъмирлаш* - агрегатни тўлиқ ажратиб йиғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йиғиш, созлаш ва синаб кўришдир.

Бинолар ва иншоотларни *капитал таъмирлаш* - базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир.”<sup>14</sup>

---

<sup>13</sup> “НОРМА ” иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт “Амалий бухгалтерия” 01.03.2010й.


<sup>14</sup> БҲМС №5 «Асосий воситалар», 1998 йил 23 август, № 491

Асосий воситаларни ҳисобга олишда тўрт асосий масала мавжуд:

1. Асосий воситалар қабул қилинишидаги дастлабки рўйхатдан ўтказиш баҳолаш;
2. Актив қийматининг келгуси даврларга тақсимланиш учун аниқланган эскириш ставкаси аниқлаш;
3. Асосий воситалар олингандан кейин қийматининг ўзгариши, шу жумладан қийматининг кўпайиши ёки мумкин бўлган камайиши, камайишини оқибатлари ҳисоботларда қандай қилиб акс эттирилиши;
4. Активларни кейинчалик ҳисобдан чиқарилишини рўйхатга олиш.

Ушбу ҳолатларнинг айнан учинчиси мазкур битирув малакавий иши мавзусига тўлиқ мос келади. Чунки:

4-чизма.



Модернизация (франсузча модерне- энг янги, замонавий деган маънони англатади)- бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабга мувофиқ ўзгартириш. Модернизацияда машина, ускуна, турли технологик қурилмалар, муҳим кашфиётлар техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади.

Реконструкцияланган ёки модернизацияланган асосий воситаларнинг илгари қабул қилинган функционал ва сифат характеристикаларини яхшилайдиган харажатлар, масалан, асбоб-ускуналарнинг фойдали ишлатиш муддатини, куввати, қулланиш сифатини оширувчи ва шу қабилар капитал

куйилмалар деб тан олинади ва реконструкцияланаётган ёки модернизацияланаётган объектнинг бошлангич қийматини оширади.

Фаолият юритаётган корхонани реконструкциялашга асосий вазифасини бажарувчи мавжуд бино ва иншоотларни ҳам кенгайтириб, ҳам кенгайтирмасдан ҳамда илмий-техник ривожланиш ютукдари асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини ошириш билан боғлиқ булган асосий, ёрдамчи ва хизмат курсатувчи мавжуд цехлар ва объектларни қайта куриш киритилади. Реконструкциялаш натижасида ишлаб чиқариш куввати ошади, маҳсулотларнинг сифати ва номенклатураси яхшиланади.<sup>15</sup>

Асосий воситаларни модернизациялаш харажатлари ҳисобини юритиш масалаларини ёритишдан олдин олимларни модернизациялаш тушунчасига берилган таърифларни кўриб ўтамиз.

Масалан, иқтисодчи олим С.Кодирхонов «Асосий воситаларни модернизациялаш деганда ишлатилаётган меҳнат воситаларининг ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳамда уларни маънавий эскиришдан сақлаш мақсадида янгиликлар киритиш, ишлаш хусусиятларини ва конструкциясини янада яхшилаш тушунилади»<sup>16</sup> деб, таъриф берган.

БХМСнинг 5-сонида<sup>17</sup> асосий воситалар билан боғлиқ капитал харажатларнинг қиймати аниқланган бўлиши ҳамда келгусида иқтисодий самара бериш шарти билан асосий воситаларнинг қийматига кўшилиши мумкинлиги, колган барча харажатлар эса, улар сарфланган давр учун харажатлар сифатида тан олинishi лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

БХМСнинг 21-сонида<sup>18</sup> эса, асосий воситаларни модернизациялаш харажатларининг ҳисоби масаласига факат, узок муддатга ижарага олинган асосий воситаларни капитал ишлари ҳамда реконструкция ва модернизациялаш юзасидангина тухталиб, бунда 0860 «Узок муддатли

---

<sup>15</sup> «НОРМА » иқтисодий-ҳуқуқий нашриёт «Амалий бухгалтерия» 01.03.2010й.

<sup>16</sup> С.Кодирхонов «Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби», дарслик, Т.: «Ўзбекистон», 1993йил, 54 бет.

<sup>17</sup> БХМС №5 «Асосий воситалар», 1998 йил 23 август, № 491

<sup>18</sup> БХМС №21 «Хужалик юритувчи субъектлар молиявий-хужлик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоби ҳисоби режаси ва уни куллаш буйича курсатма», 2002 йил 9 сентябр, №103.

шартнома асосида ижарага олинган асосий воситаларнинг капитал харажатлари» счтетидан фойдаланилиши таъкидланган.

Асосий воситаларни модернизациялаш харажатларини хисобини юритишда авваламбор, уларни тузатиш, модернизациялаш ишлари харажатларидан фаркларини кўриб ўтиш лозим булади, деб хисоблаймиз ва бу борада иктисодчи олимларнинг фикрларини урганиб чиқамиз.

О.Бобожонов, К.Жуманиёзовлар «Капитал сарфлар ёки капитал куйилмалар деб асосий воситалар ва бошка узок муддатли фойдаланиладиган активларни сотиб олиш ва яратиш билан боғлиқ булган сарфларга айтилади»<sup>19</sup> деб, капитал куйилмаларга таъриф беришган. Бу таъриф асосий воситаларни модернизациялаш билан болик харажатлар учун тўлик ва етарли эмас, деб хисоблаймиз. «Реконструкция асосий воситаларнинг ишчи потенциалини ошириш учун зарур булган маълум бир харажатларни талаб килади. Реконструкция махсулот ишлаб чиқаришни купайтириш; таннархни пасайтириш, хизмат муддатини узайтириш, махсулот сифатини яхшилаш учун амалга оширилади. Ускунани ишчи холатини саклаб туриш харажатлари реконструкция эмас, балким таъмирлаш ишларига тааллуқлидир»<sup>20</sup>. Бу таъриф асосий воситаларни реконструкция қилиш ва модернизациялаш масаласига Д.Султонова, Н.Жураев ва бошка иктисодчи олимлар томонидан миллий ва халқаро стандартларни қўллаш юзасидан тайёрланган укув қўлланмада берилган. Н.А.Лытнева, Л.И.Малявкина, Т.В.Федоровалар «Реконструкция қилиш ва модернизациялаш харажатлари асосий воситанинг бошлангич кийматини оширади ва бухгалтерия хисобида капитал куйилма сифатида акс эттирилади»<sup>21</sup> деб таъриф беришган. Н.К.Муравицкая «Модернизация асосий воситаларни функционал меъёрий курсаткичларини (куввати, ишлаш сифати ва бошқалар) яхшилашни назарда тутди»<sup>22</sup>, деб хисоблайди. Яна бир Россия иктисодчи олимлари ўзларининг

---

<sup>19</sup> О.Бобожонов, К.Жуманиёзов «Молиявий хисоб», Т.?»Молия», 2002 йил, 126 бет.

<sup>20</sup> Д.Султонова, Н.Жураев ва бошқалар «Молиявий хисоб», укув кулланма, Т., 2002, 113 бет

<sup>21</sup> Н.А.Лытнева, Л.И.Малявкина, Т.В.Федоровалар «Бухгалтерский учет», М.: «Форум», 2006г, 109 бет.

<sup>22</sup> Н.К.Муравицкая «Учет основных средств», Учеб пособие, М.:2003, 21 бет

илмий адабиётларида асосий воситаларни модернизация қилиниши унинг бир неча хусусиятларини, яъни кувватини ошишини, фойдали хизмат муддатини узайтишини юзага келтиради деб таъкидлайдилар<sup>23</sup>. Юқорида келтириб ўтилган фикр ва таърифларни ўрганиб чикиб, қуйидагича ҳулозани келтириб ўтиш мумкин. Демак, асосий воситаларни модернизациялаш натижасида унинг фойдали хизмат муддати узаяди, бошлангич қиймати ошади, ишлаб чиқариш куввати ошиб, ишлаш сифати яхшиланади.

Мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига назар ташласак, унда услубий ва ташкилий жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй берганлигини сезиш мумкин. Бу даврда марказлаштирилган режали иктисодиёт талаблари асосида ишлашга мослаштирилган бухгалтерия ҳисоби тизимидан бозор иктисодиёти талабига жавоб берадиган ҳисоб тизимига ўтиш жараёни бошланди. Бухгалтерия ҳисобини бозор муносабатлари талаблари асосида ислох қилишни амалга ошириш мақсадида 1994 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳисоб ва статистикани халқаро стандартлари асосида ислох қилиш дастури» ишлаб чиқилди ва матбуотда эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида» ги Қонунининг бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришдаги рўли бекиёсдир. Чунки ушбу қонуний ҳужжатда биринчи марта республикамизда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан биргаликда корхона раҳбарлари ва мутахассисликларига бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий масалаларини ечишда етарли даражада ҳуқуқ ҳамда имтиёзлар берилди. Ушбу ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби эса, Ўзбекистон Республикасини Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида ёритиб берилган. Унда ҳар бир корхона мустақил равишда ўзининг бухгалтерия ҳисоби тизимини, яъни ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва эълон қилиши

---

<sup>23</sup> Т.М.Гусева, Т.Н.Шейна «Бухгалтерский учет», учебно-практическое пособие, М.: «Проспект», 2004, 225 бет

мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бухгалтерия ҳисобини бундай тарзда йулга қўйилишининг мохияти шу билан тавсифланадики, унда давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдан қўзланган мақсадга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби бажариши лозим бўлган вазифалардан келиб чиқиб ҳисоб тизимини мустақил равишда шакллантиради. Корхоналарга бундай ҳуқуқ ва имтиёزلарнинг берилиши республикада бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига ўтишнинг ижобий натижаси деб қараш мумкин.

## **1.2 Корхоналарда капитал қўйилмаларни ҳисобга олишнинг аҳамияти ва вазифалари.**

1993- йилдан бошлаб капитал қўйилмалар ва асосий воситалар ҳисобини юритиш тартиби анча ўзгартирилган бўлиб, капитал қўйилмалар, уларнинг катта-кичиклиги ва қурилиш ишларининг бажарилиши усулидан қатъий назар асосий фаолият балансида акс эттирилади. Лекин айрим корхоналар капитал қўйилмаларни мустақил балансга ажратиб қўйишлари ҳам мумкин.

Илгари капитал қўйилмаларни молиялаш марказлаштирилган тартибда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган бўлса, эндиликда капитал қўйилмалар асосан субъектнинг ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин. Шундай қилиб, 1993- йилдан амал қилаётган янги қоидага кўра асосий воситаларнинг корхонага келиб тушиши ҳам, уларнинг эскириши ҳам энди 85-“ Устав капитал(фонди)”счётида акс эттирилмайди.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш тартибига доир қоидага кўра бухгалтерия счётларининг режасида 0700- “Ўрнатиладиган асбоб ускуналар” ва 0800- “Капитал қўйилмалар” деб номланган иккита махсус счётлар гуруҳи ажратилган. 0700- “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар” счётлари инвентарли, актив счётлар бўлиб унинг дебетида монтаж қилиш учун мўлжалланган мавжуд асбоб ускуналарга ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг қолдиғи

(сальдоси) ва янгитдан олиб келинган асбоб-ускуналарга ҳақиқатда сарфланган харажатлар акс эттирилади. Бу счётнинг кредитида монтаж қилина бошланган асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий таннаrxини ҳисобдан чиқариш акс эттирилади. Бундай ёзувлар учун асбоб-ускуналарнинг субъектга келтирилганлиги ва уларни йиғиш ва ўрнатишга топширилиши тўғрисидаги юк хатлар ва бошқа далолатномалар асос бўлиб ҳисобланади.

Янги корхона қуриш, асосий воситаларни сотиб олиш, конструкциясини ўзгартириш, модернизация қилиш ва мослаштириш учун сарфланган маблағларни ҳисобга олишда ҳам 0700-“Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар” счёти ва 0800-“Капитал қўйилмалар” счётлари гуруҳидан фойдаланилади.

БХМСнинг 21-сонида<sup>24</sup> эса, қуриладиган (таъмирланаётган) капитал қўйилма объектларида ўрнатиш учун мўлжалланган ва монтажни талаб қилувчи технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарнинг (шунингдек, лаборатория, тажриба мосламалари ва устахоналар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

0710 "Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар - маҳаллий"

0720 "Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар - хорижий"

Монтажни талаб қилувчи асбоб-ускуналарга уларнинг қисмлари йиғилганидан сўнг ва фундаментга ёки таянчга, полга, қаватлар ўртасидаги устунларга ва бошқа бино ва иншоотларнинг конструкцияларига мустаҳкамлангандан сўнг ишга тушириладиган кўтарма асбоб-ускуналар шунингдек, шу каби асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари киради. Бундай асбоб-ускуналар таркибига шунингдек, назорат-ўлчов аппаратлари ёки ўрнатиладиган асбоб-ускуна таркибида йиғиш-ўрнатиш учун мўлжалланган бошқа асбоблар киради.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётларда (0700) монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналар: транспорт воситалари,

---

<sup>24</sup> БХМС №21 «Хужалик юритувчи субъектлар молиявий-хужлик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қуллаш бўйича курсатма», 2002 йил 9 сентябр, №103.

мустақил турувчи станоклар, қурилиш механизмлари, қишлоқ хўжалиги машиналари, ишлаб чиқариш воситалари, инвентарлар, ўлчов асбоблари ва бошқалар ҳисобга олинмайди. Монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни харид қилиш харажатлари улар корхонага келиб тушиши билан бевосита 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш" счётида акс эттирилади.

Асбоб-ускуналар ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700)да корхона омборларига ушбу қийматликларни етказиб бериш ва тайёрлаш харажатлари ҳамда харид қилиш (тайёрлаш) баҳолари қийматидан ташкил топадиган ҳақиқий харид қилиш таннархи бўйича ҳисобга олинади.

Корхонанинг устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари ҳисобига киритилган асбоб-ускуналарни кирим қилиш 0710 "Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар - маҳаллий", 0720 "Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар - хорижий" счётларининг дебети ва 4610 "Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи" счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

Қурувчи (буюртмачи) томонидан қурилиш майдонига келтирилган монтаж ва ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-ускуналар пудратчи томонидан балансдан ташқари 005 "Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар" счётига қабул қилинади. Ушбу монтажга берилган асбоб-ускуналар ёки уларнинг қисмлари қийматини пудратчи балансдан ташқари 005 "Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар" счётидан ҳисобдан чиқаради. Пудратчига берилган, бироқ доимий фойдаланиш жойига ўрнатиш ва монтаж қилиш ҳали бошланмаган асбоб-ускуналар қиймати қурувчида ҳисобдан чиқарилмайди.

(0700) Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб асбоб-ускуналарнинг турлари ва сақланиш жойлари бўйича юритилади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700)нинг боғланиши<sup>25</sup>

---

<sup>25</sup> БХМС №21 «Хужалик юритувчи субъектлар молиявий-хужлик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни куллаш бўйича курсатма», 2002 йил 9 сентябр, №103.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Келиб тушган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг кирим қилиниши	0710- 0720	6010-6020, 6110-6120
2	Келиб тушган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг кирим қилиниши (1510 счётдан фойдаланилганда)	0710- 0720	1510
3	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қийматига ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг турли хизматлари: транспорт, эҳтиёт қисмлар, штампларни тайёрлаш ва бошқаларнинг киритилиши	0710- 0720	2310
4	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва сақлаш билан боғлиқ ишларга меҳнат ҳақи ҳисобланади	0710- 0720	6710
5	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш ва сақлашда ҳисобланган иш ҳақи бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар қилинганда	0710- 0720	6520
6	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш, етказиб бериш ва сақлаш билан боғлиқ турли харажатлар ҳисобдор шахслар томонидан тўланганда	0710- 0720	4220-4290, 6970
7	Акциянинг тўлови эвазига ўрнатиладиган асбоб-ускуналар келиб тушди	0710- 0720	4610
8	Турли шахслардан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотиб олиниши	0710- 0720	6990

9	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча асбоб-ускуналар суммаси	0710-0720	9390
10	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	0710-0720 8510	8510 0710-0720
11	Банклар томонидан уларнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан тўланган, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар кирим қилинди	0710-0720	6810, 7810
12	Қарз берувчилар томонидан уларнинг узоқ ва қисқа муддатли қарзлари ҳисобидан тўланган, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар кирим қилинди	0710-0720	6820-6840 7820-7840
13	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотилиши, харид қилинган қиматли қоғозларнинг ҳақини тўланиши, бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида, текинга берилиши ва бошқалар натижасида ҳисобдан чиқарилиши	9210	0710-0720
14	Монтажга берилган асбоб-ускуналар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	0810	0710-0720
15	Мол етказиб берувчиларга ёки транспорт корхоналарига ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомади учун даъволар билдирилди	4860	0710-0720
16	Инвентаризация натижасида аниқланган асбоб-ускуналарнинг камомади	9220	0710-0720
17	Табиий офатдан кейин ўтказилган	9720	0710-0720

инвентаризация натижасида аниқланган асбоб-ускуналарнинг камомоди		
--	--	--

Ўрнатилган асбоб-ускуналарни омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби материаллар ҳисобига ўхшаб кетади ва уларнинг ҳисоби ҳам омбор карточкалари ва 10- сонли қайдномада юритилади.<sup>26</sup>

Асосий воситалар объектларини қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техник қайта қуроллантиришга доир харажатлар, улар тугатилганидан сўнг, агар улар натижасида асосий воситалар объектининг фаолият юритишининг қабул қилинган бошланғич меъёрий кўрсаткичлари (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати ва бошқалар) яхшиланса (ошса), бундай объектнинг бошланғич қиймати ҳам ошади.<sup>27</sup>

Иморат ва иншоотларни қуриш, асбоб-ускуналарни ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш 0800-“Капитал қўйилмалар” деб номланган актив ва калькуляциялаш счётларида юритилади. Бу гуруҳ қуйидаги счётларда ташкил топган:

0810-“Тугалланмаган қурилиш”

0820-“Асосий воситалар сотиб олиш”

0830-“Номоддий активлани сотиб олиш”

0840-“Асосий подани ташкил қилиш”

0850 "Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар"

0860 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар"

0890-“Бошқа капитал қўйилмалар”

Асосий воситалар қийматига қўшилмайдиган харажатларга одатда ҳар хил манбалардан қопланадиган, қурилган ва сотиб олинган объектларга

<sup>26</sup> О.Бобожонов, К.Жуманиёзов “Молиявий ҳисоб” Дарслик. Т.:“Молия”-2002й. 122 бет.

<sup>27</sup> БҲМС №5 «Асосий воситалар», 1998 йил 23 август, № 491

хизмат қиладиган кадрларни тайёрлаш харажатлари, давлат томонидан рухсат этилиб консервация қилинган объектларга сарфланган қурилиш харажатлари ва шу қабилар қиради.

Капитал қўйилмаларнинг турлари ва таркиблари бўйича аналитик ҳисоб 18 ва 18/1- сонли қайдномаларида юритилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклидан фойдаланаётган субъектларда капитал қўйилмаларнинг ҳисоби 10/1, 13 ва 16- сонли журнал-ордерларда юритилади.<sup>28</sup>

Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусида иқтисодий фойда олишни ошириш шартларида уларнинг бошланғич қийматини оширади. Келгусида олинадиган иқтисодий фойдани оширмайдиган бошқа барча харажатлар улар амалга оширилган даврдаги давр харажатлари сифатида тан олиниши лозим.<sup>29</sup>

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматида ўрнатилган тартибда қўшиладиган қурувчининг барча ҳақиқий харажатлари шунингдек, қорхонанинг асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани ташкил этиш ва бошқа капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича қолдиқ, қорхонанинг тугалланмаган қурилишга, асосий воситалар, номоддий активларни харид қилиш, ерни ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга қилинган капитал қўйилмалар миқдорини шунингдек, асосий подани ташкил этиш бўйича тугалланмаган харажатлар суммасини акс эттиради.

БХМСнинг 21-сонига<sup>30</sup> кўра капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800) бўйича аналитик ҳисоб капитал қўйилмаларнинг ҳар бир

---

<sup>28</sup> О.Бобожонов, К.Жуманиёзов “Молиявий ҳисоб” Дарслик. Т.: “Молия”-2002й. 124 бет.

<sup>29</sup> БХМС №5 «Асосий воситалар», 1998 йил 23 август, № 491

<sup>30</sup> БХМС №21 «Хужалик юритувчи субъектлар молиявий-хужлик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қуллаш бўйича курсатма», 2002 йил 9 сентябр, №103.

йўналиши бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил этилиши кўйидаги харажатлар ҳақида маълумот олиш имконини бериши лозим:

а) қурилиш ва реконструкция ишлари; бурғулаш ишлари; асбоб-ускуналарни йиғиш; ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни харид қилиш; монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни харид қилиш шунингдек, капитал қўйилмаларнинг сметаларида назарда тутилган асбоблар ва инвентарларни харид қилиш лойиҳа-қидирув ишларига оид ва бошқа капитал қўйилмалар бўйича харажатлар;

б) асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш харажатлари асосий воситалар ва номоддий активларнинг турлари ва номлари бўйича;

в) ер ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари - объектларнинг тури ва номи бўйича;

г) асосий подани ташкил этиш харажатлари - ҳайвонларнинг турлари (йирик шохли ҳайвонлар, қўйлар, отлар ва бошқалар) бўйича.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)нинг боғланиши

2-жадвал.

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Объектларни қуришда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши капитал қўйилмалар харажатига киритилди	0810	0211-0299
2	Объектларни қуришда фойдаланилаётган номоддий активларнинг амортизацияси харажатларга киритилди	0810	0510-0590
3	Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар монтажга топширилди (монтажга тайёргарлик бошланган пайдан)	0810	0710-0720
4	Сарфланган қурилиш ва бошқа	0810	1010-1090

	материаллар қиймати капитал қуйилмалар бўйича харажатларга киритилди		
5	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг капитал қуйилмаларга кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди	0810	2310
6	Капитал қуйилмаларда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳисобланди	0810	6920
7	Тугалланмаган қурилишни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши; б) қийматининг камайтирилиши	0810 8510	8510 0810
8	Капитал қурилишда бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар	0810	6010, 7010
9	Капитал қуйилмалар билан боғлиқ қондирилмаган даъволар бўйича сумма ҳисобдан чиқарилди	0810	4860
10	Инвентаризация натижасида тугалланмаган қурилишда камомад суммаси аниқланди	5910	0810
11	Ёш ҳайвоннинг асосий подага ўтказишлиши	0840	1110
12	Асосий поданинг ташкил қилиниши	0170	0840
13	Келгуси давр харажатлари тегишли қисмининг капитал қуйилмаларига олиб борилиши	0810-0890	3110-3190
14	Капитал қуйилмалар таннархига киритиладиган суғурта бўйича қарзлар	0810-0890	6510
15	Капитал қуйилмалар таннархига	0810-0890	6520

	киритиладиган мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзлар		
16	Таъсисчилар томонидан устав капиталига улуш (пай) сифатида киритилган тугалланмаган капитал қуйилмалар	0810-0890	4610
17	Автотранспорт воситаларини сотиб олиш солиғи (инвентар қийматига)	0810-0890	6520
18	Капитал қуйилмаларни ўзлаштиришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи бўйича турли суммалар ҳисобланди	0810-0890	6710
19	Ҳисобдор шахсларнинг капитал қуйилмаларга уларнинг қилган харажатлари бўйича қарзлари ҳисобдан чиқарилди	0810-0890	4220-4290, 6970
20	Асосий воситаларни харид қилиш ва қуриш жараёнида вужудга келган турли кредиторлар олдидаги қарзлар	0810-0890	6990
21	Капитал қуйилмалар бўйича ажратилган бўлинмалар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларининг кўрсатган хизматлари учун қарзлар	0810-0890	6110-6120
22	Асосий воситалар объектларини қуриш ёки харид қилиш натижасида уларни бошланғич қиймати бўйича фойдаланишга бериш	0110-0190	0810-0890
23	Асосий воситаларни қуриш ва харид қилиш билан боғлиқ, аммо объектларнинг бошланғич қийматига қўшилмайдиган харажатлар корхона маблағлари ҳисобига	9430	0810-0820

	ҳисобдан чиқарилди		
24	Агар айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаса, камомад ва бузилган қийматликларнинг суммаси капитал қўйилмалар бўйича харажатларга олиб борилади	0810-0890	5910

О.Бобожонов, К.Жуманиёзовлар «Капитал қўйилмалар – бу балансинг актив қисмида акс эттирилган сарфлардир ва бухгалтерия нуқтаи назаридан харажат ҳисобланмайди, харажатлар эса – бу чиқим деб тан олинади ва маҳсулот, иш ёки хизматнинг таннархига олиб борилади.»<sup>31</sup> деб, капитал қўйилмаларга таъриф беришган. Бу таъриф капитал қўйилмалар билан болик сарфларлар учун тўлик ва етарли эмас, деб ҳисоблаймиз. Бизнингча юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда капитал қўйилмалар – бу келгусида иқтисодий фойда олиш мақсадида асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли фойдаланиладиган активларга уларни фойдали хизмат муддатини ошириш, физик ёки функционал вазифаларини кучайтириш, қувватини ошириш, кенгайтириш ва бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда корхонанинг айланма маблағларининг бир қисмини жойлаштириш тарзидаги сарфлардир.

Модернизациялаш ва таъмирлаш ишларини қуйидаги жадвал асосида бир-биридан фарқлаш мезонларини кўриб чиқамиз.

3-жадвал.

№	Фарқлаш мезонлари	Модернизациялаш ва реконсерукция килиш	Таъмирлаш ишлари
1	Тан олиними нуқтаи назаридан	Капитал қўйилма	Харажат

<sup>31</sup> О.Бобожонов, К.Жуманиёзов «Молиявий ҳисоб», Т.?»Молия», 2002 йил, 126 бет.

2	Хисобда юритилиши нуктаи назаридан	0860, 0890 счетлар	2010, 2310, 2710, 9420 счетлар
3	Мақсад нуктаи назаридан	Ишлаб чиқариш кувватини ошириш, ишлаш сифатини яхшилаш	Ишламай қолган, бузилган жойларни туғрилаш
4	Фойдали хизмат муддатига таъсири	Фойдали хизмат муддатини ошишига олиб келади	Фойдали хизмат муддатига таъсир этмайди.
5	Таннархга қушилиши нуктаи назаридан	Амортизация ҳисоблаш орқали таннархга қушилади	Харажат сарфланган даврдаги ишлаб чиқариш таннархига қушилади (резерв ҳисобланиши мумкин)
6	Имтиёз нуктаи назардан	УзР Президентининг 2007 йил 17 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жихозлашни рағбатлантиришга оид қушимча чора-тадбирлар тугрисида”ги Фармони <sup>32</sup> га кўра имтиёзга эга	Имтиёз белгиланмаган
7	Амалга оширилиши нуктаи назаридан	Асосан, пудрат усулида	Ҳам пудрат, ҳам хужалик усулида

<sup>32</sup> Халқ сузи, 2007 йил 15 март, 52-сон.

### **1.3 Модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисобга олишнинг меъёрий асослари.**

Иқтисодий ривожланишнинг янги сифатини шакллантириш шартлари орасида давлатнинг иқтисодий жараёнлар бўйича белгиланган ижтимоий устуворликларга мувофиқ тартиблаштиришга қаратилган иштироки муҳим рол ўйнайди. Шу ўринда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнидаги давлатимиз дастурларини қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида 2009-2012 йилларга мўлжалланган "Инқирозга қарши чоралар дастури"нинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлади. Дастурга биноан модернизацияни тезкор ўтказиш, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий ихчам технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб - қувватлаш чораларини тезкор амалиётга жорий этиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришни рағбатлантириш ва таннархни пасайтириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, энергетика тармоғини модернизациялаш, маҳсулотларнинг энергия сифimini пасайтириш ва энергия билан таъминлашнинг самарали тармоғини яратиш ишларини тезлаштириш, миллий ишлаб чиқарувчиларини ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали қўллаб- қувватлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Инқироз ривожланиши шароитида миллий сиёсатнинг биринчи галдаги вазибалари бозор ишончини тиклаш, нобозор секторини, биринчи навбатда, рента муносабатлари таъсир ҳудудини қисқартириш ва рақобатчиликни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш зарур. Диверсификация, авваламбор, тармоқлар ва корхоналар фаолият чегарасини ҳамда маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтиришни, маҳсулот ва

хизматлар сифатини такомиллаштириш, махсулот ва хизматлар сотиш бозорини кенгайтиришни талаб этади.

Модернизатсиялаш жараёни ҳақида гап кетар экан, юртимизда яратилиб берилган имкониятлар қандай меъёрий- ҳуқуқий асосларга эга деган ўринли савол туғилади. Бу ўринда қўйилган илк қадамалар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишлаб чиқаришни модернизатсиялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2007- йилнинг 14- мартда чиқарилган Н ПФ-3860 фармони,<sup>33</sup>

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 11 июнда 1688- сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 27 апрелдаги 47, 21, 2007-29, 01-02/8-11-сон қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқаришни модернизатсиялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисида" низом.Ушбу қонун ҳужжатларига кўра:

**янги технологик жиҳоз-** чиқарилган санадан бошлаб уч йилдан ошмаган технологик жиҳоз; (АВ 20.04.2009 й. 1688-1-сон билан рўйхатга олинган МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚ Қарори таҳриридаги хатбоши)

**модернизатсиялаш-** асосий воситалар объектини технологик ёки хизмат мақсадини ўзгартириш, уларнинг унумдорлигини ошириш ёки бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган ишлар;

**техник ва технологик қайта жиҳозлаш-** илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизатсиялаш ва

---

<sup>33</sup> Мазкур Фармонга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган ЎЗР Президентининг 17.06.2009 й. ПФ-4116-сон Фармони, ЎЗР Президентининг 21.12.2009 й. ПФ-4158-сон Фармони

автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан янгилаш асосида асосий воситалар ёки уларнинг айрим қисмларининг техник- иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ишлаб турган ишлаб чиқаришларни кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади;

**ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш- ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган товарларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мавжуд бинолар ва иншоотларни қайта қуриш; (АВ 15.02.2010 й. 1688-2-сон билан рўйхатга олинган МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚ Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)**

**ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш- маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида янги бино ва иншоотларнинг қурилиши. (АВ 15.02.2010 й. 1688-2-сон билан рўйхатга олинган МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚ Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)**

Янги технологик жиҳозни сотиб олувчи, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар ушбу Низомда белгиланган тартибда тақдим этилади. (АВ 15.02.2010 й. 1688-2-сон билан рўйхатга олинган МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚ Қарори таҳриридаги хатбоши)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган технологик жиҳозларга божхона тўловлари бўйича (қўшилган қиймат солиғи, импорт бож тўловлари) имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддаси ва "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонунининг 33-моддасига мувофиқ тақдим этилади. (АВ 20.04.2009 й. 1688-1-сон билан рўйхатга олинган МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБК Қарори таҳриридаги хатбоши)

Шунингдек, Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилади.<sup>34</sup>

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган база янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига камайтирилади. Солиқ солинадиган базани камайтириш технологик асбоб-ускуналарни фойдаланишга жорий этилган солиқ давридан бошлаб беш йил мобайнида амалга оширилади.<sup>35</sup>

---

<sup>34</sup> ЎзР Солиқ Кодекси. 159-модда.(ЎзРнинг 2009- йил 30-декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда - ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами 2009-йил 52-сон 556-модда)

<sup>35</sup> ЎзР Солиқ Кодекси. 356-модда.(ЎзРнинг 2012- йил 29-декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда - ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами 2013-йил 1-сон 1-модда)

Ягона солиқ тўлови бўйича имтиёз технологик жиҳозга унинг харид қилиш манбаидан (ўз маблағлари ёки қарзга олинган маблағлар, шу жумладан лизинг) қатъи назар, берилади.

Модернизатсия қилиш билан боғлиқ ҳолатлар қуйидаги меъёрий ҳужжатларда ҳам кенг ёрилтилган:

1) Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарт № 5 "Асосий воситалар"

2) Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарт № 21 "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий- хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счотлар режасини қўллаш бўйича йўриқнома"

3) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари № 16 "Асосий воситалар"

4) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари № 23 "Қарзлар бўйича мажбуриятлар".

5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2009 - 2011 йилларда Тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2009 йил 20 август, 236-сон Қарори.

Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатлар хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида ҳамда ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) асортиментини кўпайтириш, иқтисодиётнинг барча субъектларини янада барқарор ва мувозанатли ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу норматив меъёрий-ҳуқуқий

хужжатлар хўжалик юритувчи субъектларда юқоридаги масалалар юзасидан хўжалик операцияларини хужжатлаштириш, уларни таннархини тўғри шакллантиришда ҳуқуқий асос ва йўриқнома бўлиб ҳисобланади.

## **2-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА “А.АКБАРАЛИ” МЧЖ ДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТАЪМИРЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.**

### **2.1 “А.Акбарали” МЧЖ нинг хўжалик фаолияти.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётни ислох қилиш ва бозор тизимига ўтиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Узок йиллар давлат тасарруфида бўлган мулк хусусийлаштирилди. Натижада давлат ҳам бошқа мулк эгалари қатори хўжалик юритувчи субъектлар таркибига кирди. Эндиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни кимга, қанча миқдорда, қандай нархда, қандай шартларда сотишни корхонанинг ўзи ҳал қила бошлади. Бозорда рақобат муҳити вужудга келди.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар энди турли мулкчиликка асосланиши билан бирга жаҳон бозорига ҳам чиқмоқдалар.

Республикамиз Президентининг қатор Фармонлари ва ҳукуматимизнинг тегишли қарорларида кичик тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, тадбиркорликни ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва институционал жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Мамлакатда бандлик муаммосини ҳал этиш, бозорнинг мўл-кўллигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдаги имкониятларини инобатга олиб, кичик тадбиркорликнинг ривожланишига мустақилликка эришган дастлабки кунларданок алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Натижада кичик тадбиркорлик субъектларининг сони, банд бўлган ходимлар салмоғи, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ана шундай иқтисодий ислохотлар натижасида биз битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти сифатида олган “А.АКБАРАЛИ” масъулияти чекланган жамияти ҳам ташкил этилган ва миллий иқтисодиятимизнинг кичик бир субъекти сифатида ўз хўжалик фаолиятини юритиб келмоқда.

“А.Акбарали” МЧЖ дастлаб 90- йилларда “Мерос” хусусий ишлаб чиқарувчи корхона сифатида Қувасой шаҳрида фаолиятини бошлаган. 2001-йилдан Фарғона шаҳар Истиқлол кўчаси 50-уй эски Голонтер порфимериялар сақланадиган базанинг ер ва бино иншоотларини сотиб олиб “А.Акбарали” хусусий ишлаб чиқариш корхонаси сифатида қайта номланиб 2003-йилдан фаолият юритиб келган. “А.Акбарали” хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг асосий фаолияти:

- енгил саноат текстил моллари, шу жумладан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Корхона фаолиятини ривожлантириш мақсадида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;
- Барча товар ва маҳсулотлар билан савдо сотик, чакана ва улгуржи, ҳамда воситачилик фаолияти;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализациясини ташкил этиш мақсадида савдо уйлари, савдо дўконлари очиш;
- Ташқи иқтисодий фаолият, шу жумладан экспорт-импорт фаолияти, ҳамда амалдаги қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланган.

2010-йил “А.Акбарали” хусусий ишлаб чиқариш корхонаси “Marko Polo Central Asia Travel” МЧЖ дан 7 000 000 000 сўмдан зиёд миқдорда кредитор қарздорлиги сабабли 2011-йил апрель ойидан “Marko Polo Central Asia Travel” МЧЖ ни устав капиталига таъсисчи сифатида киритилади ва “А.Акбарали” МЧЖ сифатида қайта номланиб Фарғона шаҳар хокимлигидан рўйхатдан ўтади. Шундан бошлаб шерикчилик асосида фаолият олиб бормоқда.

“А.АКБАРАЛИ” масъулияти чекланган жамияти юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ташкил қилинган.

Жамият иштирокчилари бўлиб, “MARCO POLO CENTRAL ASIA TRAVEL” МЧЖ, манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кучаси/20, 07.05.2002 йилдаги 11-000300 сонли Давлат Рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Гувоҳномаси ҳамда Сабирова Тамара Акбаровна (паспорт СТ 0821480, выдан Яккасарайским РУВД, 18 января 2011г., адрес: г.Ташкент, Яккасарайский р-н, улица Юсуф Хос Хожиб 75/1) лар ҳисобланади.

Жамият Иштирокчилари таркиби ўзгариши мумкин, жумладан ихтиёрий равишда Жамият таркибига кирмоқчи бўлган ва таъсис бадалини киритган манфатдор юридик ва жисмоний шахсларни қабул қилиш ҳисобига кенгайтиши мумкин.

Жамият Ўзбекистон Республикаси юридик шахси деб ҳисобланади, мустақил баланс, банк муассасаларида ҳисоб рақам ва бошқа ҳисобларга эга. Жамият ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўзини молиялаштириш ва қоплаш асосида юритади. Жамият мулкчилигида мустақил балансда ҳисобга олинган алоҳида мулкка эга, ўзининг номидан ҳуқуқлар ортиради, мажбуриятларни бажаради, судда давогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамият давлат тилида тўлиқ фирма номи кўрсатилган думалоқ муҳр ҳамда ўзбек ва рус тилларида номи кўрсатилган иш қоғозларига эга.

Жамият қуйидаги тўлиқ фирма номига эга:

- ўзбек тилида – «А.АКБАРАЛИ» Mas’uliyati cheklangan jamiyati;
- рус тилида – Общество с ограниченной ответственностью «А.АКБАРАЛИ»;

Жамият юридик ва пўхта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Истиклол кўчаси/50. Жамият фаолияти муддати чекланмаган.

Жамият ўз тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олиш, халқ хўжалигини халқ истемоли, ишлаб чиқариш йўналишдаги молларига қондириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тақиқланмаган фаолият тури доирасида хизматлар кўрсатишни мақсад қилиб қўйган тижорат ташкилотидир.

Жамият фаолиятининг йўналишлари:

- пахтани қайта ишлаб чиқариш, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- реклама фаолияти;
- кўчмас мулк объектларини сотиб олиш, қайта тамирлаш замонавийлаштириш ва тиклаш ишларини сармоялаш;
- чакана ва улгуржи савдо ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- халқ истемол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- юридик ва жисоний шахслар манфаатларини ЎзР ва хорижда тақдим қилиш;
- ишлаб чиқариш-техника йўналишдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- мураккаб радиотехника мажмуаларини бутлаш ва ишлатиб бериш;
- илмий-тадқиқот ва тажрибий конструкторлик ишларини ўтказиш, конструкторлик ва тажрибий-конструкторлик ишларини ишлаб чиқиш ва ишлов бериш, бошқа ташкилотлар буюртмаси бўйича конструкторлик-технологик хужжатларни ишлаб чиқиш ва ишлов бериш, макет ва тажриба намуналарини ишлаб чиқиш ва ишлов бериш, макет ва тажриба намуналарини тайёрлаш;
- маҳсулот, ишлар ва хизматлар экспорт ва реэкспорти бўйича амалиётларни амалга ошириш;
- ташқи-иқтисодий фаолият. Маҳсулот, ишлар ва хизматлар импорти бўйича амалиётларни амалга ошириш;

- илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- транспорт хизматларини кўрсатиш;
- менеджмент, консалтинг, лизинг, диллерлик амалиётлари;
- технологик ускуналарига сервис, монтаж, таъмирлаш, тиклаш ва хизмат кўрсатиш ишлари;
- «НОУ-ХАУ» технологияларини сотиб олиш;
- Реклама ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда хорижда ишлаб чиқариш ва кўшма корхоналарни ташкил қилишда иштирок этиш;
- Траст, брокерлик, диллерлик, дистрибьютерлик, консалтинг ва бошқа тижорат хизматлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси, МДХ ва узоқ хорижий мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ишончномаси бўйича ишлаб чиқариш-хўжалик, тижорат ва молиявий фаолияти соҳасида бажариладиган амалиётлар;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тақиқламаган фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланади.

Жамият масъулияти чекланган жамиятдир ва ўз мажбуриятлари бўйича фақат унинг активлари бўйича жавоб беради. Давлат рўйхатидан ўтган кунга қадар Жамият номидан Иштирокчи тузган ҳар қандай битим ёки шартнома натижаси бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни Жамият ўз зиммасига олади, агар бундай битим ёки шартномалар Иштирокчилар қарори билан маъқулланган бўлса. Бошқа ёзма келишув бўлмаса Жамият ўз Иштирокчиларининг мажбурияти бўйича жавоб бермайди. Иштирокчи жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди ва Жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар ҳавфини киритилган ўз улушлари қиймати доирасида қоплайди.

Жамиятнинг Устав жамғармаси 8 222 528 269,50 (саккиз миллиард икки юз йигирма икки миллион беш юз йигирма саккиз минг икки юз олтмиш тўққиз сўм эллик тийин) сўмни ташкил қилади. Устав жамғармасидаги Жамият Иштирокчиларининг улушлари миқдори ва уларнинг номинал қиймати қуйидагича тақсимланади:

- «MARCO POLO CENTRAL ASIA TRAVEL» МЧЖ -87,84% -  
7 222 528 269,50 (етти миллиард икки юз йигирма икки миллион беш юз йигирма саккиз минг икки юз олтмиш тўққиз сўм эллик тийин)сўм
- Сабирова Тамара Акбаровна – 12,16% - 1 000 000 000 (бир миллиард) сўм улуши билан қатнашади.

Улар таъсис мажлисида 5 йил муддатга ўз номларидан иш олиб боровчи бошқарувчи директорни тайинлашади.

“А.Акбарали”МЧЖ тасарруфида бўлган “TRUSHLER” ип йигирув машинаси 10/1 дан 40/1 гача бўлган маркадаги ип калаваларини йигириши учун мўлжалланган.

“А.Акбарали”МЧЖ Устав жамғармасининг 15% миқдоридан ошмаган миқдорда ҳар йили соф фойдани 5% миқдорини резерв капитали сифатида сақланиши ва ажратилиши белгилаб қўйилган.

## **2.2 Корхонада таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини хужжатлаштириш.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида ҳар бир корхона мустақил равишда ўзининг бухгалтерия ҳисоби тизимини, яъни ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бухгалтерия ҳисобини бундай тарзда йулга қўйилишининг моҳияти шу билан тавсифланадики, унда давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдан кўзланган мақсадга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби бажариши лозим бўлган вазифалардан келиб чиқиб ҳисоб тизимини мустақил равишда шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида» ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган (1-сонли БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молия ҳисобот» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига мувофиқ “А.АКБАРАЛИ” масъулияти чекланган жамияти ҳам ўзининг “Ҳисоб сиёсати”ни ишлаб чиққан ва шу асосида ўз хўжалик фаолиятини юритиб келмоқда.

Ҳар қандай корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳужжатларнинг асосий хусусияти шундаки, ҳар бир корхона ва ташкилотда ҳар куни ўтказиладиган барча хўжалик оператсиялари ҳужжатлар орқали ялпи, узлуксиз, дастлабки қайд қилинади.

Ҳужжатлар хўжалик оператсиялари мазмунини ифодалайди. Буни натижасида уларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш моҳияти аниқланади. Шунинг учун ҳужжат деб, амалга оширилган хўжалик оператсиялари содир бўлганлигини далилларига ва уларнинг ёзма ҳолдаги исботига айтилади. Ҳужжатлаштириш эса хўжалик оператсияларини акс эттириш ва хўжалик фаолияти устидан доимий назорат ўрнатишни ҳужжат ёрдамида расмийлаштириш усулидир.

Ҳар бир ҳужжат ўз вазифасига тўла жавоб бериши учун у маълум кўрсаткич ва белгиларга эга бўлиши керак. Ҳужжатларда қайд қилинган ва ҳужжатларга юридик куч берадиган хўжалик оператсияларини характерловчи кўрсаткич ва белгилар шу ҳужжатларнинг реквизитлари дейилади.

Биз битирув малакавий иши мавзусидан келиб чиқиб фақат таъмирлаш, реконструкция қилиш ва модернизациялашга оид ҳужжатлар ва хўжалик операцияларини кўриб чиқамиз.

Корхонанинг молиявий ҳиссobotларига қарайдиган бўлсак, корхонада 2013-йил давр бошига 0810 – “Тугалланмаган қурилиш” счётида 2 396 249,86 сўм миқдорида қолдиқ мавжудлигини кўрамиз. Бу 1 562 509, 51 сўм 2012-йил бош энергетиклар учун янги бино қурилиши муносабати билан капитал

қўйилмалар сарфланган. 806 740,35 сўм капитал қўйилмалар Валик худудини таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун сарфланган.

Корхона маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни иқтисод қилиш, сифатни бошқариш тизими ва сертификацияни жорий этиш, чиқимсиз технологияларни жорий этиш, маҳаллий ресурслар негизида инновацион технологияларни қўллаш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, эскирган жиҳозларни сафдан чиқариш мақсадида 2013- йилда модернизациялаш, техник ва техникалик янгилаш, ишлаб чиқариш цехини кенгайтириш ишларини амалга оширди. Германиянинг “Trutzschler GmbH & Co.KG” фирмасини ўрнатилган асбоб-ускуналари ва ип йигирув ва пахтани қайта ишлаш машиналари сотиб олиниб ўрнатилган. Бу ишларни амалга ошириш учун дастлаб Иштирокчиларнинг таъсис мажлисида қарор қабул қилинган. Ҳамда пудрачилар билан шартнома тузилиб, модернизациялаш ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жами 9 063 325 579,73 сўм миқдорида капитал сарфлар амалга оширилган.

Шунингдек, “Марғилон Том Қурилиш Моллари” хусусий корхонаси томонидан пудрат шартномасига асосан “А.Ақбарали” МЧЖ нинг ошхона, ишлаб чиқариш, трансформациялар жойлашган бинолари капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жами 719 655 436 сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Жумладан, 31 799 323 сўм ошхонанинг томини юмшоқ кровель билан қопланган. Трансформациялар биноси 3 608 162 сўмлик сарфлар қилинган бўлса, ишлаб чиқариш биносини томига юмшоқ кровель билан қоплаш учун 648 247 951 сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилган. Бу хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали акс этирилган.

*Дт: 0810 Кт: 6010 719 655 436 сўм*

“ZAMIN QURILISH SAVDO SERVIS” МЧЖ билан тузилган пудрат шартномасига асосан 100 000 318 сўмлик ишлаб чиқариш цехини техник

қайта жихозлаш(кенгайтириш) ишлари амалга оширилган. Бухгалтерия ҳисобида

*Дт:0810 Кт:6010* 100 000 318 сўм

счётлари орқали акс эттирилган.

“Baraka Evroklass” МЧЖ билан пудрат шартномасига биноан 100 000 073 сўмлик ип йигирув цехини техник қайта жихозлаш(кенгайтириш) мақсадида янги кондиционер ишлаб чиқариш цехига монтаж ишлари амалга оширилган.

Буни бухгалтерия ҳисобида

*Дт: 4310 Кт: 5110* 100 000 000 сўм

олдиндан тўлов 16.05.2013 й тўланган иш бажарилганда

*Дт: 6010 Кт: 4310* 100 000 000 сўм

*Дт: 6010 Кт: 9360* 73 сўм

акс эттирилган.

“Кафолат қурилиш инвест” МЧЖ томонидан 2013 йил октябр ойида янги ишлаб чиқариш цехини остидан ҳаво айланиш канали ва ҳаво сўриш узелларини ўрнатиш қуриш ишлари амалга оширилган бўлиб, бу ишларга 100 000 004 сўм миқдоридан капитал сарфлар амалга оширилган. Ушбу хўжалик муомилаларини бухгалтер

*Дт: 0810 Кт: 6010* 100 000 004 сўм

счётларида ҳисобга олган.

“Норин Жозиба Қурилиш”МЧЖ билан тузилган пудрат шартномасига асосан янги ишлаб чиқариш цехига қонализация, ички алоқа узели, электр ёриткичлар ўрнатилиб, техник жихозланган. Бунга 37 500 000 сўмлик капитал сарфлар амалга оширилган. Бухгалтерия ёзувларида бу

*Дт:0810 Кт: 6010* 37 500 000 сўм

счётларида ҳисобга олинган.

“Норин-Строй Дизайн”МЧЖ билиан тузилган пудрат шартномасига асосан 122 551 296 сўмлик янги ишлаб чиқариш цехига ёнғинга қарши хауз ва бошқа алохида ишлар учун тўлов амалга оширилган. Бу бухгалтерия нуқтаи

назаридан капитал қўйилмалар ҳисобланиб, капитал қўйилмалар ҳисобга олинадиган счётларда ҳисобга олинади. Шу нуқтаи назардан “А.Ақбарали”МЧЖ да бу харажатлар

*Дт: 0810 Кт: 6010 122 551 296 сўм*

счётларида ҳисобга олинган.

«Маъшал» хусусий корхонаси билан 10.01.2013й тузилган № 5 шартномага асосан ишлаб чиқариш цехидаги электр двигателни тамирлаш ишлари учун 5 914 655 сўм харажат қилинган.

Бу махсулот таннархини шакллантирувчи счётларда ҳисобга олинган:

*Дт: 2011 Кт: 6010 5 914 655 сўм*

“МАШИМПОРТ” МЧЖ томонидан ишлаб чиқариш цехидаги машина ва ускуналарни маторини таъмирлаш ва диагностикаси учун 1 000 000 сўм харажат қилинган ва бу “Асосий ишлаб чиқариш” счётида ҳисобга олинган.

*Дт: 2011 Кт:6010 1 000 000 сўм*

“TEXTILE SERVICE SOLUTIONS FERGANA” МЧЖ Қ/Қ томонидан лентали станокти техник таъмирлаш учун \$ 51 USD миқдорида техник хизмат кўрсатилган. Бу ҳам “Асосий ишлаб чиқариш” счётида ҳисобга олинган.

*Дт: 2011 Кт:6011 105 973,92 сўм (\$ 51\*2077,92 сўм)*

“Автотеххизмат-Нур” хусусий фирмаси маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган автомобилларни техник таъмирлаш ишларини бажарганлиги учун 363 076 сўм тўлов тўланган. “UNIX” УҚЦ маъмурий мақсадларда фойдаланишда бўлган компьютер ва принтерларни тамирлаш учун 1 133 800 сўмлик техник хизмат кўрсатилган. Бу харжат давр харажатлари таркибида ҳисобдан чиқарилган.

*Дт: 9420 Кт:6010 363 076 сўм*

*Дт: 9430 Кт:6010 1 133 800 сўм*

“А.Ақбарали” МЧЖ 2013 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, фойдали хизмат муддати тугаган машина ва ускуналарни алмаштириш мақсадида, ҳамда янги қурилган ишлаб чиқариш

цехини ишга тушириш учун Германиянинг «TRUTZSCHLER» Гмбх & Ко.Кэ фирмасининг ип йигирув ва пахтани қайта ишлаш машина ва ускуналари сотб олиниб ўрнатилган. Бу машини ускуналар 0720 “Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар-хорижий” счётида у била боғлиқ бўлган яъни сотиб олишдан бошлаб уларни олиб келиб, ўрнатиб ишчи холатда фойдаланишгунга қадар қилинган №5-сон БХМС да назарда тутилган асосий воситалар таннархига қўшиладиган жами харажатлар йиғилиб, ундан сўнг харажатларни акс эттирувчи, материалларни ҳисобга олувчи, ва бошқа тегишли счётларга ҳисобдан чиқарилган.

*Дт: 0720 Кт:6010* 6 794 797 904,58 сўм

*Дт: 0820 Кт:0720* 6 597 207 928,84 сўм ўрнатилган ускуналар

*Дт: 1080 Кт:0720* 197 589 975,74 сўм “100x1200x30мм ли Тазлар” сотиб олинган импорт машина ва ускуналарни корхонада ҳисоби юқоридаги бухгалтерия ўтказмалари орқали ҳисобга олинган.

### **3-БОБ. “А.АКБАРАЛИ” МЧЖ ДА ТАЪМИРЛАШ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

#### **3.1 “А.Акбарали” МЧЖ да модернизациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисобга олишни такомиллаштириш масалалари.**

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзидаги мавжуд ёки қарзга олинган маблағларни активларини шаллантириш учун инвестицион операцияларни амалга оширади. Активларнинг бундай тартибда шакллантиришга капитал қўйилмалар ҳам деб айтилади. Узок муддатли активларни жумладан моддий, номоддий ва молиявий активларни шакллантиришнинг ўзига ҳос алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлиб мазкур жиҳатлар активларни тан олиш ва бухгалтерия балансида акс эттиришда муҳим рол ўйнайди.

Капитал қўйилмалар деб сотувга мўлжалланмаган узок муддатли активларни сотиб олишга ҳамда шакллантириш ва хажмини кўпайтиришга

кетган харажатлар тушунилади. Қимматли қоғозларга ва бошқа корхоналар устав капиталига йўналтирилган капитал қўйилмалар бундан мустасно.

Капитал қўйилмалар қуйидаги операциялар натижасида вужудга келади:

1. бинолар, иншоотлар, асбоб ускуналар, транспорт воситаларини ва асосий воситаларни алоҳида объектлари (улар қисмлари)ни сотиб олиш орқали;
2. янги қурилиш шаклдаги капитал қурилишни амалга ошириш, ҳамда мавжуд асосий воситаларни реконструкция қилиш ёки модернизация қилиш орқали;
3. ер участкаларини сотиб олиш орқали;
4. лизинга бериш шarti билан асосий воситаларни харид қилиниши орқали;
5. номоддий характерга эга бўлган активларни сотиб олиш ва шакллантириш орқали.

Иқтисодийётга оид адабиётларда<sup>36</sup> одатда «капитал қўйилмалар» атамаси асосий воситаларни шакллантиришга ва тиклашга кетган харажатларни ўз ичига олади.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда узоқ муддатли активларнинг янги объектларини пайдо бўлиши муносабати билан эндиликда асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар бундан ташқари лизинга олинган асосий воситаларни ва ерни ободонлаштириш учун сарф қилинган моддий харажатларни мажмуаси капитал қўйилмаларни ташкил этади.

Шунинг учун узоқ муддатли моддий ва номоддий активларни шакллантириш учун йўналтирилган инвестиция сарфларини капитал қўйилмалар деб аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди.

---

<sup>36</sup> М.Умарова, Ў.Эшбоев, К.Аҳмаджонов. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент, «Меҳнат»- 1999. С.70, О.Бобожонов. Молиявий ҳисоб. Тошкент. «Шарк»- 2000. С.150

Капитал қўйилмалар мақсадида амалга оширилган маблағлар харакатини акс эттириш учун 21- БҲМСда 0800 “Капитал қўйилмалар” смети жорий этилган бўлиб унга тегишли моддий ва номоддий активларнинг объектларини турларини ҳисобга олиш мақсадида тегишли счетлар белгиланган.

Бизнинг фикримизча счетларнинг номланиши уларнинг мақсадларини тўлиқ очиқ бермайди. Шунинг учун “Капитал қўйилмалар” деб номланган 0800 смети кенгайтирилган вариантда жумладан:

0810-“Асосий воситаларни қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар”;

0820-“Асосий воситаларни сотиб олиш учун сарфланган капитал қўйилмалар”;

0830 – “Асосий подани шаклантириш учун сарфланган капитал қўйилмалар”;

0840- “Ерни ободонлаштириш учун сарфланган капитал қўйилмалар”;

0850- “Лизинга бериш мақсадида шаклантирилган асосий воситалар учун сарфланган капитал қўйилмалар”;

0850- “Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштириш учун сарфланган капитал қўйилмалар”

0860- “Номоддий активларни сотиб олиш учун сарфланган капитал қўйилмалар”, ва

0890-“Бошқа капитал қўйилмалар” деб номланиши улардаги узоқ муддатли активларни шаклантириш учун йўналтирилган инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни тўлақонлилигини таъминлаган бўлар эди.

Бухгалтерия балансида капитал қўйилмалар «Тугалланмаган капитал қўйилмалар» моддасида кўрсатилиб, унда корхона хўжалик йўли билан қуриб битказилган ва харид қилиб олинган асосий воситалар учун сарфланган, ерни ободонлаштириш учун сарфланган, узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга сарфланган, харид қилиб

олинган номоддий активлар учун сарфланган капитал қўйилмалар қийматида акс эттирилади.

Капитал қўйилмалар ҳисобини юритишда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- объектлар турига қараб қурилишга кетган барча харажатларни ўз вақтида, тўлиқ ва ҳақиқий акс эттириш.
- ишга тушириладиган ва сотиб олинган асосий воситалар, ер участкалари ва номоддий активларнинг инвентар қийматини тўғри аниқлаш ҳамда акс эттириш:
- қурилиш ишларини бажарилиши ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш ва асосий воситалар объектлари устидан назоратни таъминлаш:
- узоқ муддатли инвестицияларни молиялаш манбаларини мавжудлиги ва ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Корхонанинг капитал қўйилмалари ҳисоби қуйидаги ҳақиқий сарф қилинган харажатлар гуруҳлари бўйича олиб борилади:

1. алоҳида асосий воситалар объектларини, ер участкаларини ва номоддий активларни харид қилиш бўйича:
2. умумий қурилиш ва алоҳида унга қиравчи объектлар (бино иншоот ва ҳаказо) бўйича.

Асосий воситалар объектларини қуриш мобайнидаги харажатлар ҳисобини қурилишни амалга оширадиган корхона қурилиш бошланган даврнинг бошидан объектларни ишга туширишгача бўлган оралиқ даврлар кесимида алоҳида олиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобида қурилиш объектлари бўйича харажатлар смета ҳужжатлари билан аниқланадиган харажатлар технологик таркиби бўйича гуруҳланади.

Харажатлар ҳисобини қуйидаги таркиб бўйича олиб бориш тавсия этилади.

1. Қурилиш ишлари бўйича;

2. Ускуналарни монтаж ишлари бўйича;
3. Монтажга топширилган ускунани сотиб олиш бўйича;
4. Монтажга мухтож бўлмаган ускунани сотиб олиш учун; иш қуроли ва инвентар, монтажга молик доимий захирага мўлжалланган ускуна учун;
5. Бошқа капитал харажатлар учун;
6. Асосий воситалар қийматини кўпайтирмайдиган харажатларга.

Ушбу ишлар бўйича харажатлар ҳисоби тартиби уларни ишлаб чиқариш усулига –пудрат ёки хўжалик усулига –боғлиқ.

Пудрат усулида, белгиланган, тартибда бажарилган ва расмийлаштирилган қурилиш ишлари ва ускуна монтажи бўйича ишлари ва ускуна-буюртмачи ташкилотининг 0810-“Асосий воситаларни қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида пудрат корхона билан тузилган шартнома нархига мувофиқ амалга оширилган ҳисоб китоблар асосида акс эттирилади.

Ишлаб чиқаришнинг хўжалик усулида бажарилган ишлар корхонанинг қурилиш ишларини олиб боровчи бригада ёки гуруҳи томонидан амалга оширилади. Капитал қўйилмалар қиймати 0810 “Асосий воситаларни қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида ҳисобга олиб борилиб, қурилиш ишларини режалаштириш ва таннархини ҳисоби бўйича амалга оширилади. Бунда 0810- “Асосий воситаларни қуриш учун сарф қилинган капитал қўйилмалар” сметида ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қийматида акс эттирилади.

Бизнинг фикримизча асосий воситаларни қуришнинг усулларига қараб уларни ҳисобини алоҳида-алоҳида сметида юритиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан қурилиш ишларини пудрат усулида олиб борилганда 0810 -“Асосий воситаларни пудрат усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида, қурилиш ишларини хўжалик усулида амалга оширилганда 0811- “ Асосий воситаларни хўжалик усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида акс

эттирилиши лозим. Қурилиш усулларини турлича бўлиши уларни асосий воситаларни қуриш билан боғлиқ капитал қўйилмаларни ва қурилиш объекти тугагандан сўнг объектни эксплуатацияга топшириш жараёни ҳамда солиққа тортиш масалаларига аниқлик киритиш имкониятини яратади.

Қурилиш ишларини хўжалик усулида амалга оширганда харажатларни ҳисобини корхона қуйидаги харажатлар моддаси таркибида юритиш тавсия этилади:

1. «Моддий харажатлар»
2. «Меҳнат харажатлари»
3. «Қурилиш машина ва механизмларини ушлаб туриш ва эксплуатациясига кетган харажатлар»
4. «Устама харажатлар»

«Моддий харажатлар» моддасида тўғридан–тўғри қурилишда ишлатилган материаллар, қурилмаларга сарфланган харажатлар акс эттирилади. Улар деталларни, ёқилғи, электр энергияси, пар, сув ва бошқа моддий ресурслар ўз ичига олади.

«Меҳнат харажатлари» моддасида қурилишга қабул қилиниб, участкаларнинг ишчилар таркибига киритилган (штатга киритилмаганларни кўшган ҳолда) ишлаб чиқаришда қатнашган ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни меҳнатига тўланган ҳақ ва улар юзасидан ягона ижтимоий тўловга ажратмалар бўйича харажатлари акс эттирилади.

«Қурилиш машина ва механизмларини ушлаб туриш ва эксплуатациясига кетган харажатлар» моддаси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- қурилиш машина ва механизмларни бошқарувида банд бўлган, ва участкалар ишчилари таркибига киритилган ҳолда ишчилар меҳнатига тўланадиган иш ҳақи билан боғлиқ харажатлар;
- қурилиш машина ва механизмларини тўлиқ тикланишига ҳамда асосий воситалар таркибида ҳисобга олинган ишлаб чиқариш мосламалари ва ускуналарининг амортизацияси билан боғлиқ харажатлар;

- эксплуатация мақсадларида ишлатилган ёқилғи, энергия ва моддий ресурслар сарфи билан боғлиқ харажатлар;
- шартнома шартлари билан белгиланган миқдорда қурилиш машиналари ва механизмлар ишлатилган учун ижара тўлови билан боғлиқ харажатлар;
- қурилиш машиналари ва механизмларининг техник хизмати ва диагностикаси юзасидан қилинган харажатлар;
- қурилиш машиналари ва механизмлар, ишлаб чиқариш мосламалари ва ускуналари таъмирлашнинг турли кўринишларига сарфланган харажатлар;
- қурилиш машиналари ва механизмларни эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

«Устама харажатлар» моддасида эса қуйидаги харажатлар ўз аксини топади:

1. Маъмурий-бошқарув харажатлар (иш хақи харажатлари, ягона ижтимоий тўлов бўйича ўтказмалар, идора харажатлари ва бошқалар).
2. қурилиш майдонларида ишни ташкил этишга кетган харажатлар (вақтинчалик таъмирлаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган иншоотлар, мослама ва қурилмалар; ўт ўчириш ва қўриқлашга кетган харажатлар, нашриёт ва рационализаторлик таклифлар билан боғлиқ харажатлар; геодезик ишлар юзасидан харажатлар ва бошқалар).
3. қурилиш ишчиларига хизмат кўрсатиш харажатлари. (кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кетган харажатлар; қурилишга жалб этилган ва қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатациясида банд бўлган ишчилар иш хақи тўловлари юзасидан ягона ижтимоий тўловлар ўтказмалар; нокапитал ишлар; санитария-гигиена ва хизмат шароитларини таъминлашга кетган харажатлар; меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги билан боғлиқ ва бошқа харажатлар).
4. бошқа устама харажатлар (мажбурий суғурта харажатлари; номоддий активлар амортизацияси; меъёрий хужжатларда белгиланган ставка чегарасида банк кредитлари юзасидан фоизлар тўлови; тасдиқланган

меъёрлар миқдорида реклама билан боғлиқ бўлган харажатлар; устама харажатлар меъёрида ҳисобга олинмаган, лекин устама харажатларга олиб бориладиган харажатлар ишлаб чиқаришда олинган жароҳат оқибатида ишга лаёқатлилигини йўқотилганлиги учун нафақа; қонунда солиқ йиғиш белгиланган йиғин ва бошқа мажбурий тўловлар; бюджетидан ташқари махсус фондларга ўтказмалар; қурилишнинг шартномавий нархида кўзда тутилган бўлса, вақтинчалик иншоотларни қуриш учун захирага ўтказмалар; пудратчи фаолиятига кирувчи бошқа харажатлар ҳисобида қурилиш буюртмачисининг қоплама харажатлари).

Корхона томонидан қурилиш объектлари учун зарур бўлган асосий воситалар қиймати тўланган ёки тўловга қабул қилинган бўлса уларни кирим қилиб, ҳисобга қўйгандан сўнг 0810 –“Асосий воситаларни хўжалик усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида акс эттирилади.

Сметада кўзда тутилган бошқа капитал харажатлар 0810 –“Асосий воситаларни хўжалик усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида харажатларни амалга ошириш жараёнида шартномавий нархларда тўланган ёки тўловга қабул қилинган ҳужжатлар асосида акс эттирилади.

Асосий воситалар қийматини оширмайдиган харажатлар ҳисобини юритиш.

Асосий воситаларни қийматини кўпайтириш харажатлари қурилиш объектларига кетган харажатлардан алоҳида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда 0812- “Асосий воситаларни қийматини кўпайтириш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида ҳисобга олиниши лозим. Амалдаги счетлар режасида бундай счет кўзда тутилмаган шунинг учун мазкур счетни киритишни таклиф этамиз.

Қурилиш тугатилиб объект эксплуатацияга белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Ушбу объектлар бўйича харажатлар уларни инвентар қиймати, ҳамда бошқа харажатлари 0810 –“Асосий воситаларни пудрат

усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” ва 0811-“Асосий воситаларни хўжалик усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” счетларидан кирим қилинган мулк сифатида ҳисобдан чиқарилади.

Қурилиш тугатилган бинолар ва иншоотлар ўрнатилган ускуналар ва объектларни реконструкцияси бўйича тугатилган ишлар, улар дастлабки таннархини кўпайишига олиб келувчи асосий воситалар таркибига киритилади.

Асос бўлиб, асосий воситаларни қабул топширув далолатномаси бўла олади. Шартнома билан белгиланган амалга кирувчи объектлар қисми бўйича маблағлар, белгиланган тартибда расмийлаштирилган объект қисмлари бўйича қийматлари ўша тайёр бўлган қисми бўйича кирим қилинади.

Асосий воситалар қийматини кўпайтирмайдиган харажатлар 0810 ҳисобидан кўзда тутилган молиявий манбаадан у ёки бу ишлар ёки амалга оширилган операциялар тўлиқ тугатилганда ҳисобдан чиқарилади.

Тугатилган қурилиш объектларининг инвентар қиймати куйидаги тартибда аниқланади:

1. Бино ва иншоотлар инвентар қиймати қурилиш ишлари ва уларга тўғри келувчи бошқа капитал харажатлар қўшилишидан ҳосил бўлади. Бошқа капитал харажатлар объектлар инвентар қийматига тўғридан-тўғри йўналишдан киритилади. Улар бир неча объектга тегишли бўлган ҳолларда улар қиймати шартнома нархларида пропорционал равишда тақсимланади.

Агар объектлар қисмлар бўйича ишга туширилса, уни бошқа капитал харажатлар ишга киритилаётган объект инвентар қийматига сметага киритилган меъёрлар ва қурилаётган объектларни умумий шартнома қийматида киритилади. Бу ҳолатда қурилиш тугатилгандан ва бошқа капитал харажатлар ҳақиқий суммаси аниқлангандан сўнг ишга туширилган объектларнинг инвентар нархини ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ;

2. Ускунанинг инвентар қиймати уни сотиб олишда ҳақиқий қиймати ва сотиб олиш жараёнида амалган оширилган ҳақиқий харажатлар ҳамда қурилиш монтаж ишлари, бошқа капитал харажатлар қийматининг кўшилишидан ҳосил бўлади.

Агар қурилиш монтаж ишлари юзасидан харажатлар ҳамда бошқа харажатлар бир неча тур ускуналарга тўғри келса, у ҳолда улар қиймати ускуналар тури бўйича етказиб берувчилар нархларида пропорционал равишда тақсимланади.

3. Монтаж талаб қилмайдиган, кам қиймат ва тез эскирувчи ускуналар, қуроллар ва инвентарлар ҳамда монтаж талаб қилувчи доимий захирага олинадиган ускуналар қиймати етказиб берувчиларнинг нархлари ва олиб келиш қиймати йиғиндисидан ҳосил бўлади.

4. Кўрсатилан турдаги ускуналар, қуроллар ва инвентар ва уларни ҳисобдан чиқариш 0810 –“Асосий воситаларни пудрат усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” ва 0811 –“Асосий воситаларни хўжалик усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” счотларида бир вақтнинг ўзида қурилаётган объектларни ишга тушириш ёки амалдаги объектларни реконструкция, техник қайта жихозлаш қиймати кирим қилиниши керак.

Бино иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва қурилишдан алоҳида сотиб олинган асосий воситалар, уларни сотиб олиш ва ишга яроқли даражасига етказиш харажатларини қўшиш натижасида ҳосил бўлади.

Таъмирлаш харажатлари икки хил йул билан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

— пайдо булишига қараб ҳамма таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобидан чиқарилади;

— махсус резерв фонд тузилиб, ундан асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар бир маромда ҳисобдан чиқарилади.

Агар корхона махсус резерв фондини ташкил қилмаса, таъмирлаш харажатлари қуйидаги икки усул билан ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

— ҳақиқий харажатлар буйича;

— келгуси давр харажатлари ҳисобварағидан фойдаланган холда.

Шу ўринда такидлаб ўтмоқчимизки биз битирув малакавий ишида тадқиқот объекти сифатида олинган – «А.АКВАРАЛИ масъулияти чекланган жамияти ҳисоб сиёсатида тамирлаш харажатларини ҳисобдан чиқариш усули кўрсатилмаган. Лекин корхонанинг Низомида ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида аммо, Низом жамғармасининг 15% дан ошмаган миқдорида резерв капитали шакллантирилиши белгилаб қўйилган. Зеро шуни айтиш мумкинки корхонада бухгалтер таъмирлаш харажатларини ҳисобдан чиқаришда ҳақиқий харажатлар бўйича пайдо бўлишига қараб ҳисобдан чиқарилади. Бизнингча корхона ушбу усулни ҳисоб сиёсатида акс эттириши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки бухгалтерия ҳисобида хўжалик юритишнинг кўплаб усуллари мавжудки уларни қай бирдан фойдаланиш корхонанинг ички имкониятларидан ва хусусиятларидан келиб чиқиб ўзи белгилайди. Бу эса хўжалик операцияларини акс эттиришда, даромад ва харажатларни тан олишда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ўтказмаларини ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган ҳисоб-китоб сиёсатидан, ана шу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари лозим.

Таъмирлаш ишлари бир маромда амалга оширилмаган ва айрим ҳисобот даврларида таъмирлаш бўйича харажатлар кескин ўзгариши ҳоллари кузатиладигани, бу корхонанинг молиявий натижаларига таъсир этмай қолмайди. Шу нуқтаий назардан биз таъмирлаш харажатларини ҳисобдан чиқаришда 3190- “Бошқа келгуси давр харажатлари” счётида ҳисобга олиб, уни келгуси даврларда ҳисоб сиёсатида белгиланган меъёр бўйича бир маромда агар тамирлаш ишлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, маҳсулот таннарҳига агар тамирлаш ишлари маъмурий, ижтимоий-маданий вазифаларни бажариш учун бўлса, давр харажатлари

сифатида ҳисобдан чиқаришни тавсия қилмоқчимиз. Бу усул таъмирлаш харажатлари молиявий натижаларга таъсирини камайтириш, уларни самарадорлигини ошириш мақсдида фойдаланилади.

Номоддий активлар инвентар қиймати уларни шакллантириш ёки сотиб олиш ва уларни ишга яроқли бўлиш ҳолатигача етказиш харажатларининг йиғиндисидан ҳосил бўлади.

Номоддий активлар корхона ташкил этиш ёки кирим қилиш жараёнида улар қабул топширув далолатномаси асосида номоддий активлар таркибига киритилади.

Номоддий активлар (патентлар, лицензиялар, дастурлар, ер участкаларига мулк ҳуқуқ) 0860-“ Номоддий активларни сотиб олиш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида тўлов ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

Корхона томонидан номоддий активларни алоҳида тури шакллантирилганда 0861 –“Номоддий активларни шакллантириш учун сарфланган капитал қўйилмалар” сметида ҳақиқий харажатлар қийматида акс эттирилади.

Илмий – тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар бўйича амалга оширилган харажатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги шартлар бажарилгандагина ҳисобга олинади:

- харажатлар суммаси аниқланиб, тасдиқланиш мумкин бўлса;
- бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар (қабул-топширув далолатномалари ва бошқалар) мавжуд бўлса;
- иш натижаларини ишлаб чиқариш ёки бошқарув заруриятида келгусида иқтисодий наф келтира олса;

Юқоридаги шартлардан бири бажарилмаган тақдирда ҳам улар билан боғлиқ харажатлар корхонанинг ҳисобот даврининг амалга оширилмайдиган харажатлари деб ҳисобланади. Худди шу тарзда ижобий натижа бермаган ишлар ҳам баҳоланади.

Илмий – тадқиқот ва технологик ишлар таркибига қуйидагилар киради:

1. Моддий ишлаб чиқариш захиралари ва ташқи корхона ёки шахслар томонидан ушбу ишларни бажаришдаги хизмати қиймати;
2. Меҳнат шартномасига мувофиқ кўрсатилган ишларга жалб қилинган ишчиларга иш хақи харажатлари;
3. Ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлар;
4. Тадқиқот ва амалиёт объекти учун мўлжалланган махсус ускуна ва махсус мосламалар қиймати;
5. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
6. Илмий-тадқиқот ускуналари, қурилмалари ва иншоотларини ишлатиш ва бошқа асосий воситалар объектлари бўйича мулк солиғи харажатлар;
7. Ушбу ишларни бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган умумхўжалик харажатлар;
8. Илмий-тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган, тадқиқотларга кетган харажатларни киритган ҳолда бошқа харажатлар.

Илмий тадқиқот, конструкторлик ва технологик ишлар харажатлари оддий фаолият турлари бўйича ҳар ойнинг биринчи кунида олинган натижалардан ҳақиқатда фойдаланиш ойдан бошлаб ишлаб чиқариш (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизмат) ёки бошқарув эҳтиёжлари сифатида ҳисобдан чиқарилади.

БҲМСга мувофиқ корхоналар харажатларнинг сўндиришни икки усулидан бирини қўллаш ҳуқуқи берилган:

1. Чизиқли усули
2. Махсулотни ишлаб чиқариш (товар, ишлар, хизматлар) ҳажмига пропорционал харажатларни ҳисобдан чиқариш усули.

Корхона танлаган ҳисобдан чиқариш усули унинг ҳисоб сиёсатида албатта кўрсатиб ўтилади.

Агар корхона иккинчи усулни танласа, ҳақиқий харажатлар умумий ишлаб чиқарилган махсулот (бажар иш кўрсатилган хизмат)ни ҳисобдан

чиқариш илмий тадқиқот натижасини амалда қўллашни фойдали муддатига боғлиқ бўлади.

Мазкур ишларни ҳисобдан чиқариш даври корхона томонидан мустақил аниқланади, лекин фойдали муддати 5 йилдан кўп бўлмаслиги керак. Бунда фойдали муддат корхона фаолиятдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Илмий – тадқиқот, конструкторлик ва технологик ишларнинг харажатларини ҳисобдан чиқаришни чизикли усулда қабул қилинган муддат ичида бир меъёрда амалга оширилади.

Маҳсулот хажмига пропорционал равишда ҳисобдан чиқариш усулида илмий-тадқиқот ва ҳаказо ишлар бўйича ҳисобот даврида ҳисобдан чиқариладиган суммани аниқлашда, ушбу даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) хажми кўрсаткичларидан келиб чиқиб, конкрет илмий-тадқиқот ва ҳаказо ишларга кетган умумий суммаси миқдорини нисбати билан ҳисобланади.

Ҳисобот йили давомида илмий – тадқиқот ва ҳаказо ишлар харажатларини оддий фаолият турлари бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш суммасидан қатъий назар бир меъёрда йиллик суммасининг 1/12 миқдорида амалга оширилади.

Қабул қилинган усул аниқ ишлар натижаларини қўллаш даври давомида ўзгартирилмайди.

Аниқ илмий ишни қўлланиши бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш (бажарилган ишлар кўрсатилагн хизматлар) тўхтатиш ҳолатларида ёки келгусида ушбу ишлар иқтисодий фойда келтирмаслиги аниқланса, ушбу ишлар бўйича харажатлар ушбу ишларни тўхтатиш санасига амалга оширилмаган харажатлар қисмидан ҳисобдан чиқарилади.

Илмий –тадқиқот харажатлари ҳар ойда уларни қўллаб бориш даври давомида ишлаб чиқариш ёки бошқарув эҳтиёжи учун ҳисобдан чиқарилиб борилади. Шу сабабли харажатлар амалга оширилган ишнинг натижасини ҳақиқий қўлланилишидан кейинги ойдан бошлаб сўндирилади. Ташкилот

Ўзининг фойда олишига қараб сўндириш муддатини аниқлайди, лекин бу муддат 5 йилдан ошмаслиги керак. Бундай операция қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан ёзилади (сўндириш суммаси ҳар ойда оддий фаолият турлари харажатларига олиб борилади). Дебет 9430 кредит 0810

Сўндириш муддати тугагандан сўнг 0810 ҳисоби беркитилади. Тўхтатилган ишлар бўйича харажатлар суммаси қуйидагича акс эттирилади.;

Дебет 9430 Кредит 0810

Ҳақиқий харажатлар маълумотлари реализацияланмаган харажатлар таркибига киритилади.

### **3.2 Корхоналарда модернизациялаш, тамирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини ҳисобга олишни хориж тажрибаси.**

Иқтисодий ислохотларни чуқурлашиб бориши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви ўз навбатида, мавжуд қонунчилик асосини доимий равишда такомиллаштириб уни халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштириб боришни тақазо қилади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг 1996- йил 30-августда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 5-февралдаги 54-сонли “Маҳсулот(ишлар,хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркибини, ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режаси” асосида амалга оширилади. Ушбу меъерий ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил қилиш ва олиб боришнинг умумий тартибларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг аста-секинлик билан жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига уйғунлашуви,хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташқи

иқтисодий фаолиятни амалга оширишда кенг имкониятлар туғилиши, миллий ҳисоб ва ҳисоботни максимал даражада оидинлаштириш заруриятини юзага келтиради.

Халқаро стандартлар (IAS ва GAAP) талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориладиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг соддалаштирилган (унификациялаштирилган) тизими субъектнинг кўрсатаётган фаолияти ва иқтисодий аҳволи тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоботларининг барча фойдаланувчиларга, жумладан чет эл сармоячиларига қулайлигини оширади.

Бухгалтерия ҳисобига миллий стандартларнинг жорий этилиши асосан бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим қоидалари ва тамойилларини изоҳлаб бериш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш ва уни Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шаклларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўллаш заруриятидан келиб чиққандир.

1993-йилдан бошлаб амал қилаётган счётлар режасида асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибида катта ўзгаришлар киритилди. Шу давргача амал қилиб келган эски йўриқномаларга кўра асосий воситаларни фойдаланишга топшириш 01 – “Асосий воситалар” счётининг дебетида ва 85 – “Устав фонди” счётининг кредитига акс этирилиб, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши эса 85 – счётининг дебети ва 01 – счётнинг кредитига ёзилар эди. Чунки асосий воситалар қийматининг ошиши ёки камайиши билан боғлиқ бўлган барча муомалалар албатта корхонанинг устав фондининг миқдорига ўз таъсирини кўрсатар эди. Сабаби – корхонага капитал қўйилмаларни шу капитал қўйилмаларнинг мустақил балансда акс этириш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилган бўлиб, қурилиш тугаган асосий воситалар объектини асосий фаолият балансига ўтказишда капитал қўйилмаларнинг бухгалтерия ҳисобида қурилиш харажатлари мавжуд молиялаш манбаи ҳисобига ўтказилар (қопланар) эди. Шу билан бирга

асосий фаолиятда акс эттирилар ва уларнинг қийматига устав фонди оширилар, яни 85 – счёт кредитланар эди.

1993- йилдан бошлаб капитал қўйилмалар ва асосий воситалар ҳисобини юритиш тартиби анча ўзгартирилган бўлиб, капитал қўйилмалар, уларнинг катта-кичиклиги ва қурилиш ишларининг бажарилиши усулидан қатъий назар асосий фаолият балансида акс эттирилади. Лекин айрим корхоналар капитал қўйилмаларни мустақил балансга ажратиб қўйишлари ҳам мумкин.

Илгари капитал қўйилмаларни молиялаш марказлаштирилган тартибда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилган бўлса, эндиликда капитал қўйилмалар асосан субъектнинг ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин. Шундай қилиб, 1993- йилдан амал қилаётган янги қоидага кўра асосий воситаларнинг корхонага келиб тушиши ҳам, уларнинг эскириши ҳам энди 85-“ Устав капитал(фонди)”счётида акс эттирилмайди.

Капитал қўйилмалар қуйидаги операциялар натижасида вужудга келади:

1) бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва асосий воситаларнинг алоҳида объектлари (улар қисмлари)ни сотиб олиш орқали;

2) янги қурилиш шаклидаги капитал қурилишни амалга ошириш ҳамда мавжуд асосий воситаларни реконструкция қилиш ёки модернизациялаш орқали;

3) ер участкаларини сотиб олиш орқали;

4) лизингга бериш шарти билан асосий воситаларни харид қилиш орқали;

5) номоддий характерга эга бўлган активларни сотиб олиш ва шакллантириш орқали.

16- сон МҲХС (7 б).: Агар асосий воситалар тўлов муддатини маълум даврга кечиктириш шарти билан сотиб олса, уларнинг таннархи олинган пайтида кечиктиришсиз тўлов қийматида таннарх бўйича кирим қилиниши

керак. Мазкур қиймат ва умумий тўловлар орасидаги фарқ, агар рухсат этилган муқобил ёндашиш бўйича 23- сонли “Қарзлар бўйича сарфлар” МҲХС га мувофиқ капиталлаштирилмаса, кредит бўйича фоизларни тўлаш харажатлари сифатида тан олинади(асосий ёндашувга мувофиқ).

16- сонли МҲХС кўра ўз кучлари билан яратилган активнинг ҳақиқий қиймати ҳаққоний бозор қиймати билан мос келиши шарт эмас. Бошқа активларни баҳолашга мувофиқ, ўз кучлари билан билан қурилган активлар учун энг кўп баҳо бўлиб, ҳаққоний бозор қиймати ҳисобланади. Агар қурилишнинг умумий қиймати (устама харажатлар ва қурилиш вақтидаги фоизларни қўшган ҳолда) ушбу активга қуввати ва сифати бўйича ўхшаш активнинг бозор қийматидан юқори бўлса, фарқ зарар сифатида тан олинади. Ушбу шартни бажарилмаслиги келгусида манфаат келтирмайдиган харажатлар элементини олдинга ўтказди, келгусида амортизацияни қайта баҳолашга олиб келади ва консерватизм тамойилини бузади.

Бошқа вазиятда, ўз кучлари билан яратилган активнинг қиймати шунга ўхшаш активнинг бозор қийматидан паст бўлса, актив қурилишининг умумий қиймати бўйича акс эттирилади. Бундай ҳолатда баҳолаш учун бозор қийматидан фойдаланиш қурилишдан олинган фойдани пайдо бўлишига олиб келади. Консерватизм тамойили бундай вазиятда фойдани тан олишга имконият бермайди. Актив таннарх ёки бозор нархидан қайси бири кам бўлса ўша қийматда ҳисобга олиниши керак.

Ўз кучлари билан қурилган асосий воситалар билан боғлиқ асосий масала – таннархга устама харажатларини қандай тақсимлаш керак. Баъзи бир умумий тўғри харажатлар, масалан ишчи кучи, материал харажатлар ва ўзгарувчан устама харажатларни актив таннархига киритиш аллақачон изланиши тугатилган ва бухгалтерия ҳисобининг аниқ масаласи бўлиб ҳисобланса, қурилиш объектига тақсимланиши керак бўлган ўзгармас устама харажатлар суммасини аниқлаш, бир хилда эмас ва ноаниқдир. Ўзгармас устама харажатларни ҳисоби бўйича икки муқобил ёндашув мавжуд:

1. Ўзгармас устама харажатларини активнинг қийматига ҳаққоний улуш бўйича (масалан, захираларга ишлатиладиган тақсимлаш негизини ишлатган ҳолда) тақсимлаш.
2. Асосий воситалар ҳисоб варағига солиштириладиган ўсиб боровчи ўзгармас устама харажатларни тақсимлаш.

БҲХС ушбу муаммо бўйича ҳеч қандай ечим бермайди, бироқ Америка кўшма штатларини умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамоиллари ҳисобига олиш бўйича қуйидаги ёндашувни таклиф этади (Америкалик сертификацияланган қасамёд этган бухгалтерлар институтининг бухгалтерия ҳисоби соҳасида изланишлар бўйича монография, 1- сон): "...агар тескарисини исботлайдиган ҳеч қандай далиллар бўлмаса, захиралар таннархини аниқлаш мақсадида" назарда тутилган келгуси нафлар "сифатида кўриладиган устама харажатлар" ўз кучлари билан қурилган эскирадиган активлар таннархини аниқлаш учун тахминга асосланган " назарда тутилган келгуси нафлар" га эга бўлиши лозим".

Қурилиш бўйича тўпланган харажатлар одатда "Тугалланмаган қурилиш" ҳисоб варағи бўйича акс эттирилади. Қурилишнинг тугашигача актив асосий восита сифатида ҳисобга олинмайди, чунки у ҳали ишчи ҳолатида эмас. Қурилишнинг тугаши ва фойдаланишга топширишда, актив асосий воситалар ҳисоб варағига ўтказилади ва унга тегишли равишда эскириш ҳисобланади.

16- сонли МҲХС кўра асосий воситаларни сотиб олингандан кейин амалга ошириладиган харажатлар, жумладан таъмирлаш, хизмат кўрсатиш ёки яхшиланиш қуйидаги усулларнинг бири бўйича ҳисобга олинади:

1. Харажат сифатида тан олинади.
2. Капиталлаштирилади.
3. Жамғарилган эскиришни камайтирилиши сифатида тан олинади.

Агар корхона томонидан активни фойдаланишдан дастлаб кутиладиган бўлгуси иқтисодий нафлар ошиш эҳтимоли юқори деб ҳисобланса, харажатлар тегишли активнинг баланс қийматига қўшилиши мумкин.

Асосий воситалар объектлари билан боғлиқ кейин амалга ошириладиган харажатлар фақат улар активнинг ҳолатини яхшиласа, ёки олдиндан ҳисобланган дастлабки меъёрларга қараганда унинг унимдорлигини оширса, актив сифатида тан олинishi мумкин. Бўлғуси иқтисодий нафни ошириш имкониятини яратадиган яхшилашга оид мисолларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

а) асосий воситаларни фойдали хизмат муддатини кўпайтирадиган, шу жумладан унинг қувватини оширадиган замонавийлаштириш харажатлари;

б) ишлаб чиқилладиган маҳсулот сифатини аҳамиятли равишда яхшилайдиган қисм ва бирикмаларини мукаммаллаштириш ва

в) дастлаб ҳисобланган ишлаб чиқариш харажатларини аҳамиятли равишда қисқартириш имкониятини янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадбиқ этиш.

Ҳар йилги жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш жорий харажатлар деб ҳисобланали. Маскур харажатлар ҳисобини икки усули мавжуд: резерв ташкил этиш йўли билан ва резерв ташкил этмаслик йўли билан.

Тақсимлаш усулидан фойдаланишнинг афзаллиги шундан иборатки у таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатларини йил давомида мунтазам равишда тақсимлашни йўлга солиш имкониятини яратади.

## **Хулоса ва таклифлар.**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш ва мулкый муносабатларни эркинлаштириш асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантиришга қаратилган бўлиб, инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёни эса, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш устувор вазифалардан бири сифатида танланиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида шаклланганлиги ва давлатнинг мулкый ҳукмронлиги туфайли унинг сақланиб қолаётган айрим элементларини методологик жиҳатдан қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Бозор шароитида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан активларни иқтисодий наф келтирувчи ресурс сифатида эътироф этиш, зарур бўлган ҳолда, улар томонидан активларни сотиб олишда ёки шакллантиришда иқтисодий нафни ўрганиш ва унинг объективлигини баҳолаш асосий мақсад сифатида қўйилмаган. Бунинг оқибатида активлардан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетиши кузатилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари ва инструментлари яратилган. Улар жумласига маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни иқтисод қилиш, сифатни бошқариш тизими ва сертификацияни ва чиқимсиз технологияларни жорий этиш, маҳаллий ресурслар негизида инновацион технологияларни қўллаш, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, эскирган жиҳозларни сафдан чиқариш киради.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш

шароитида хусусий корхоналарни кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Хужалик юритувчи субъектларда асосий воситалар, шу жумладан уларни модернизациялаш харажатларининг урни ва шундан келиб чикиб уларни бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишини такомиллаштириб бориш масалалари бу борадаги алоҳида аҳамиятни талаб этадиган жихатлардир. Чунки, ушбу харажатларни молиявий натижага бевосита таъсири мавжудки, рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида имконият даражасида камайтириш йулларини топиш, уни амалиётда қуллаш корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш омилларидан бири ҳисобланади.

Мазкур битирув малакавий ишидаги тадқиқотлар натижасига кўра қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Иқтисодиёт реал секторини модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш асосида мамлакат иқтисодиёти таркибидаги ўзгаришларни таъминлашда узоқ муддатли активлар ҳисоби ва аудитининг такомиллаштириш объектив зарурат ҳисобланади.

2. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида катта рўл ўйнайди. Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт қатнашиб, бир неча ишлаб чиқариш циклида иштирок этади, ҳамда ўзининг қийматини аста секинлик билан яратилаётган тайёр маҳсулот қийматига ўтказиб боради, асосий воситаларни ишлаб чиқаришга бериш, улардан узоқ вақт фойдаланиш натижасида улар жисмоний ва маънавий эскириб боради. Уларни ишчи ҳолатда сақлаб туриш ва ишлаб чиқариш жараёнини тўхтаб қолмаслиги учун уларни жорий, ўрта ёки капитал таъмирлашни талаб қилади.

3. Таъмирлаш ишлари бир маромда амалга оширилмаган ва айрим ҳисобот даврларида таъмирлаш бўйича харажатлар кескин ўзгариши ҳоллари кузатиладики, бу корхонанинг молиявий натижаларига таъсир этмай

қолмайди. Шу нуқтаий назардан биз таъмирлаш харажатларини ҳисобдан чиқаришда 3190- “Бошқа келгуси давр харажатлари” счётида ҳисобга олиб, уни келгуси даврларда ҳисоб сиёсатида белгиланган меъёр бўйича бир маромда агар тамирлаш ишлари маҳсулот (ишлар,хизматлар) ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, маҳсулот таннарҳига агар тамирлаш ишлари маъмурий, ижтимоий-маданий вазифаларни бажариш учун бўлса, давр харажатлари сифатида ҳисобдан чиқаришни тавсия қилмоқчимиз.

4. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект активларини шакллантириш учун ўзида мавжуд ёки қарзга олинган маблағлар билан инвестицион операцияларни амалга ошириши натижасида активларни шакллантиришга капитал қўйилмаларни амалга оширади. Капитал қўйилмалар деб сотувга мўлжалланмаган узоқ муддатли активларни сотиб олишга ҳамда шакллантириш ва ҳажмини кўпайтиришга кетган харажатлар тушунилади.

5. Капитал қўйилмалар ҳисобини юритишга мўжалланган счетларнинг номланиши уларнинг мақсадларини тўлиқ очиб бермайди. 21-сон БҲМС “Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”да кўзда тутилган 0800 - “Капитал қўйилмалар” деб номланган счётини кенгайтирилган вариантда номланиши улардаги узоқ муддатли активларни шакллантириш учун йўналтирилган инвестициялар тўғрисидаги ахборотларнинг тўлақонлилигини таъминлаши лозим. Чунончи, ушбу счётада капитал қўйилмаларни асосий воситаларни қуриш усулларига қараб ҳисобини алоҳида-алоҳида счётларда юритиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, қурилиш ишлари пудрат усулида олиб борилганда 0810 -“Асосий воситаларни пудрат усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” счётида, қурилиш ишларини хўжалик усулида амалга оширилганда 0811- “Асосий воситаларни хўжалик усулида қуриш учун сарфланган капитал қўйилмалар” счётида акс эттирилиши лозим. Қурилиш усуллариининг турлича бўлиши асосий воситаларни қуриш билан боғлиқ капитал қўйилмаларни ва

объект қурилиши тугагандан сўнг уни эксплуатацияга топшириш жараёни ҳамда солиққа тортиш масалаларига аниқлик киритиш имкониятини яратади.

Асосий воситалар қийматини кўпайтириш харажатлари қурилиш объектларига кетган харажатлардан алоҳида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда таклиф этилаётган 0812- “Асосий воситалар қийматини кўпайтириш учун сарфланган капитал қўйилмалар” счегида ҳисобга олиниши лозим.

6. Ўрнатиладиган жиҳозлар ҳам капитал қўйилмаларнинг бир кўриниши сифатида эътроф этилиши керак. Ушбу харид қилиб олинган ва ўрнатилиши лозим бўлган жиҳозлар ҳисоби учун 21-сон БҲМС “Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”га 0813 – “Ўрнатиладиган жиҳозларни харид қилиш учун сарфланган капитал қўйилмалар” счегини киритиш керак.

7. Модернизациялаш ва реконструкция қилиш ишларини корхоналар фаолиятидаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, уларни ўрни ва аҳамиятини белгилаш, ушбу харажатларни амалга ошириш натижасини баҳолаш имкониятини берувчи ахборотлар билан таъминлаш мақсадида алоҳида 0870- “Модернизациялаш ва реконструкция қилиш учун сарфланган капитал қўйилмалар” счегини киритиш керак.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Расмий материаллар

### 1.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Тошкент. Ўзбекистон, 2003. 40-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда.
3. Банкротлик тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, (янги таҳрири). 24.04.2003.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 1-сон, 10-модда.
5. Мулкчилик тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 07.05.2003.
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Тошкент: Адолат, 2014.159-модда.(ЎЗРнинг 2009- йил 30-декабрь ЎРҚ-241-сон Қонуни таҳририда - ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами 2009-йил 52-сон 556-модда)
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 356-модда.(ЎЗРнинг 2012-йил 29-декабрь ЎРҚ-345-сон Қонуни таҳририда - ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами 2013-йил 1-сон 1-модда)
8. “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Тошкент: Адолат, 1999.
9. Хусусий корхоналар тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент, 11.12.2003

10. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент 24.12.1998.

## **1.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг**

### **Фармон ва Қарорлари**

11. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3618-сонли Фармони. –Тошкент 14.06.2005.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 49-сон, 477-модда.

14. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3594-сонли Фармони. - Тошкент 11.04.2005.

15. “Текстил саноати корхоналарининг молиявий аҳволини соғломлаштириш ва уларга пахта толасини сотиш механизмини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-330-сонли Қарори. 21.04. 2006.

### **1.3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

16. “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низом. (2003 йил 15 октябрдаги 444-сон қарор билан ўзгартиришлар киритилган) - Тошкент, 1999 йил 5 феврал, № 54.
17. “Статистик ва молиявий ҳисоботни янада такомиллаштириш борасида чора – тадбирлар тўғрисида”. - Тошкент 2002 йил 25 июн, № 30.
18. “Хўжалик юритувчи субъектлар харажатлари ва молиявий натижаларининг шаклланиши ҳисоби тартибини такомиллаштириш тўғрисида ”. – Тошкент, 2003 йил 15 октябрь, № 444.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. – Тошкент, 2005 йил 2 август, № 180.
20. “2009 - 2011 йилларда Тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2009 йил 20 август, 236-сон Қарори.

### **II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ**

#### **II.A. КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ ВА МАЪРУЗАЛАРИ**

21. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995
23. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма йиғилишида сўзлаган нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

24. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. – Тошкент февраль, 2006.
25. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент. Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
26. Каримов И.А “Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари.”–18-том. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010
27. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 43-бет.
28. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.:Ўзбекистон, 2011-26 б.

### **III. КИТОБ ВА ТУРКУМ НАШРЛАР**

29. Абдуллаев А., Қаюмов И. Бухгалтерия ҳисоби. II нашр. – Тошкент: Минҳож, 2002.
30. Анищенко А.В. Ремонт основных средств: учёт и налоги. - М.: ООО «СтатусКво97», 2005.-160 с.
31. Бобожонов О. «Молиявий ҳисоб» дарслик Т.:”Молия”-2002
32. Блейк Джон, Амаг Ориол. Европейский бухгалтерский учёт. Справочник /Пер. с англ. - М.: Информационно-издательский дом «Филинь», 1997.- 400 с.
33. Бухгалтерский учёт: Учебник /Под ред. Безруких П.С. - М.: Бухгалтерский учёт, 2002.

34. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. –Тошкент: “Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси”, 2004.
35. Волкова В.М., Лахова Е.В. Международные стандарты бухгалтерского учёта. Основные принципы и приемы конвертации. - М.: Издательский дом «Аудитор», 2000.
36. Гадоев Э.Ф., Югай Л.П. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар. Тошкент: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашириёт уйи, 1997.
37. Гусева Т.М., Шеина Т.Н. «Бухгалтерский учёт», учебно-практическое пособие, М.: «Проспект», 2004, 225бет
38. Дўсмуратов Р.Д., Бухгалтерия ҳисоби назарияси: дарслик.Т.2000
39. Ивашкевич В.Б. Учёт и анализ затрат на модернизацию оборудования. - М.: Финансы, 1970.
40. Иванов В.И. Бухгалтерский учёт и отчетность в условиях рыночной экономики. Международные стандарты. Практическое пособие. - Пермь, 1992.
41. Жуманиёзов К., Умарова М. «Бухгалтерия ҳисоби» Т.:”ЎАЖБНТ”Маркази-2004.
42. Кудбиев Д.К. «Проблемы анализа использования основных фондов в торговле» - Т., «Ўзбекистон»,1990 й.
43. Кудбиев Д. Современные проблемы бухгалтерского учёта основных средств.- Самарканд, СКИ, 1997.
44. Лытнева Н.А., Малявкина Л.И., Федоровалар Т.В. «Бухгалтерский учёт», М.: «Форум», 2006г, 109 бет.
45. Макарьева В.И. Учёт основных средств. – М.: Налоговый вестник, 2000.
46. Муравицкая Н.К. «Учет основных средств», Учеб пособие, М.:2003, 21 бет
47. “НОРМА ” иқтисодий-ҳуқуқий нашириёт “Амалий бухгалтерия” 01.03.2010й

- 48.Қодирхонов С. «Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби», дарслик,  
Т.: «Ўзбекистон», 1993йил, 54 бет.
- 49.Савелеев Н. «Реконструкция и модернизация основных средств: что необходимо учесть при проведении данных работ» 2009
- 50.Юадеев Ю.Л. «Основные средства, Ремонт и модернизация. Особенности бух учета и налогообложения» 2007 г
- 51.Захарин В.Р. Учет основных средств и нематериальных активов: справочник бухгалтера: практ. руководство.- М.: Эксмо, 2008.
- 52.Шеремет А.Д. «Комплексный анализ хозяйственной деятельности.»  
М.:ИНФРА-М,2006

#### **IV. ЖУРНАЛЛАРДАГИ МАҚОЛЛАРГА ВА ИЛМИЙ ИШЛАР**

##### **ТЎПЛАМЛАРИГА ҲАВОЛАЛАР**

- 53.Давлятова Г.М. “Организационно-экономический механизм внедрения лизинга в условиях модернизации текстильных предприятий” // “Иқтисод фанлари номзоди доцент илмий даражасини олиш учун ёзилган” диссертацияси автореферати. Ташкент - 2010 й.
- 54.Исманов И.Н. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида асосий воситалар учётининг айрим муаммолари.// «Бозор иқтисодиёти муаммолари ва матлубот кооперацияси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 1995.
- 55.Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари// “Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган” диссертацияси Фарғона – 2009
- 56.Калинченко Е.О. «Ремонт или модернизация?» “Главная книга”2011г.
- 57.Теплова Н.А. Статья: «Основные средство: ремонт,реконструкция или модернизация?» (“Упращенко”2007. N 6)

## ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

58. <http://www.buxgalter.ru> – РФ нинг Бухгалтерия ҳисобига доир янгиликлар портали.
59. [http:// www.edu.uz](http://www.edu.uz) – ЎзР Олий ва Ўрта-махсус таълим Вазирлиги расмий сайти
60. <http://www.Fmc.uz> – Бухгалтерия ҳисобига доир норматив-ҳуқуқий хужжатлар сайти
61. <http://www.google.co.uz> – Қидирув тизими
62. <http://www.glavkniga.ru> – РФ нинг Бухгалтерия ҳисобига доир норматив-ҳуқуқий хужжатлар портали
63. <http://www.Lex.uz> – ЎзР ҳуқуқий-норматив хужжатлар базаси сайти
64. <http://www.mf.uz> – ЎзР Молия Вазирлигининг расмий сайти
65. <http://www.norma.uz> – иқтисодий-ҳуқуқий йўриқномалар портали
66. <http://www.soliq.uz> – ЎзР Давлат Солиқ Қўмитаси расмий сайти
67. <http://www.ZiyoNet.uz> – Таълимий ресурслар кутубхонаси портали